

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 181 (703), 2022 йил 6 сентябрь, сешанба



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ НАРХИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНИБ, СОҲА УЧУН ЯНГИ ИМКОНИАТЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 5 сентябрь куни асосий озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг барқарорлигини таъминлаш ва захирасини яратиш чора-тадбирлари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Дунёда иқлим ўзгараётгани, кўп жойларда қурғоқчилик бўлгани оқибатида озиқ-овқат етишмовчилиги кузатишмоқда. Бунинг устига халқаро майдондаги вазият туфайли маҳсулот ишлаб чиқариш ва етказиб бериш мураккаб бўлиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбари буни олдиндан кўра билиб, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш йўлларини кўрсатиб берган эди. Хусусан, йил бошида 80 минг гектар пахта ва галла майдонлари қисқартирилиб, егулик маҳсулотлар етиштириш учун аҳолига ажратиб берилди. Бунинг натижасида 785 минг киши иш билан таъминланди, 3 триллион сўмлик 1 миллион 500 минг тонна қўшимча озиқ-овқат ҳосили олинди.

Бу ишларни давом эттириш мақсадида халқимиз ризқ-рўзи учун яна 20 минг гектар ер ажратиш бўйича Президент қарори қабул қилинди. Келгуси йилда яна қўшимча 100 минг гектар экин майдони аҳолига танлов асосида берилди. Бунинг ҳисобига қўшимча 1 миллион 200 минг аҳолини банд қилиш мумкин бўлади.

Йиғилишда асосий озиқ-овқат маҳсулотларига талаб ҳудудлар кесимида таҳлил қилиниб, ички имкониятлар кўрсатиб ўтилди.

Масалан, мамлакатимизда картошкага бўлган йиллик эҳтиёж 3 миллион 400 минг тоннани ташкил қилади. Шундан 20–25 фоизи импорт ҳисобидан қопланмоқда. Жумладан, Қорақалпоғистонга йилга қўшимча 100 минг тоннага яқин, Навоий вилоятига 45 минг тонна, Жиззах вилоятига 35 минг тонна картошка етиштирилади.

Ўртимизда озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг мавсумий ўзгаришлари ҳам сезиларли. Чунки қишлоқ ҳужалигига ихтисослашган 50 та

туманда музлаткичли омборлар етишмайди. Умуман, бугунги кунда мавжуд сақлаш қувватлари 1,5 миллион тоннани ташкил этиб, жами етиштирилаётган маҳсулотларнинг 7 фоизига ҳам етмайди. Бу албатта "нарх ўйнаши"га таъсир қилади.

Шундан келиб чиқиб, вилоят ҳокимларига мазкур 50 та туманда сақлаш қувватларини кескин ошириш бўйича топшириқ берилди.

Боғдорчилик ва иссиқхона ҳужалигини ривожлантириш агентлигига озиқ-овқат маҳсулотлари майдонини 300 минг гектарга етказиш, экинларни аҳоли талаби ва импорт таҳлилидан келиб чиқиб оқилона жойлаштириш вазифаси қўйилди.

Давлатимиз раҳбари видеоалоқа орқали жойлардаги мутасаддилар, тадбиркор ва деҳқонлар билан мулоқот қилди. Хусусан, қашқадарёлик ва фарғоналик миришкорларнинг молия масалаларини енгиллаштириш бўйича фикрларини қўллаб-қувватлади. 15 сентябрдан бошлаб, ҳоким ёрдамчилари тавсиясига кўра, сабзавот, дуккакли ва мойли экинлар бўйича уруғлик, ўғит, ёқилги, ўсимликлар ҳимояси ҳамда айланма маблағ учун 150 миллион сўмга гаровсиз кредит ажратиш йўлга қўйилиши белгиланди. Бу маблағларнинг ярмини нақд пулда ажратишга ҳам рухсат берилди. Бунинг учун Боғдорчилик агентлигига қўшимча 300 миллиард сўм ажратилди.

Мева-сабзавотчиликни кредитлаш бўйича ҳам янги тизим жорий қилинади. Энди картошка, сабзавот, ёғ-мой экинлари экадиган кластер ва деҳқонларга ҳосилни суғурталаш харажати 50 фоизи давлат ҳисобидан қоплаб берилди. Бундан буён пахта ва галладаги каби, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришда ҳам суғурта полиси кредит таъминоти ҳисобланади. Бу янгилик кўплаб деҳқонларнинг ишини оsonлаштиради.

Маҳсулотлар мўл-кўл бўлиши сифатли уруғга ҳам боғлиқ. Бугунги кунда мамлакатимиз бўйича ҳар йили 300 минг тонна картошка, 6 минг тонна дуккакли ва 11 минг тонна мойли экинлар уруғини тайёрлаш зарур.

Бу борада яхши тажрибалар ҳам талайгина. Масалан, Самарқанд вилояти Оқдарё туманида тадбиркорлар

450 центнерга ҳосил берадиган элита картошка уруғи етиштиришмоқда. Президентимиз бу тажрибани кенгайтириб, хусусий сектор билан бирга, дуккакли ва мойли экинлар уруғчилигида ҳам йўлга қўйиш зарурлигини таъкидлади.

Ҳар бир вилоятда камида биттадан интенсив сабзавот кўчатчилик ҳужалиги ташкил этиш, ҳосилдор ерларнинг барчасини интенсивга ўтказиш бўйича кўрсатма берилди.

Йиғилишда қиш-баҳор ойларида мева-сабзавотлар нархини барқарор сақлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Маҳсулотларни сақлаш ва ташиш имкониятларини кенгайтириш учун юк машиналари, саралаш ва қадоқлаш ускуналари харид қилишга ҳам имтиёзли кредит ажратиш таклифи билдирилди.

Президентимиз бу таклифни қўллаб-қувватлади. Ушбу мақсад учун тижорат банкларига 140 миллион доллар ажратилгани, яна 330 миллион доллар йўналтириш имконияти борлиги қайд этилди.

Агрологистика лойиҳаларида юк автомобиллари харидини ҳам назарда тутиш, иссиқхона эгаларига енгилликлар бериш муҳимлиги таъкидланди.

"Агролизинг" акциядорлик жамиятини трансформация қилиб, деҳқон ва фермерларга молиявий кўмакчи бўладиган тизимга айлантиришга кўрсатма берилди.

Томорқачиликни ривожлантириш борасидаги ишлар ҳам қўриб чиқилди. Кўча музлаткичлар учун ер майдонларини ижарага бериш муддатларини узайтириш, аҳолига ўсимликларни ҳимоя қилишда кўмаклашиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Давлатимиз раҳбари жойларда кўзбўямачиликлар, қўшиб ёзиш ҳолатлари учраётганини кескин танқид қилиб, соҳа мутасаддиларини огохлантирди.

Озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириб, халқимиз фаровонлигини таъминлаш, фермер ва деҳқонларнинг бу борадаги муаммоларини ҳал қилиб, уларга кўмаклашиш асосий вазифа экани таъкидланди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТАДБИРКОРЛИК, ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА ИНФРАТУЗИЛМАЛАРНИ ЖАДАЛ СУРЪАТЛАРДА РИВОЖЛАНТИРИШ ОРҚАЛИ АҲОЛИ ФАРОВОНЛИгини оширишнинг қўшимча ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида

Қорақалпоғистон Республикасининг мавжуд ижтимоий-иқтисодий, шу жумладан, ишлаб чиқариш ва инвестиция салоҳиятидан самарали фойдаланиш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва юқори қўшилган қийматга эга рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, тадбиркорларга кўрсатиладиган молиявий хизматлар қўламини кенгайтириш, инфратузилмавий шарт-шароитларни яратиб бериш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда ҳудуднинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишини янги босқичга олиб чиқиш мақсадида:

1. Қорақалпоғистон Республикасининг иқтисодиёт тармоқларида инновацион жараёнларнинг жадаллашувиغا эришиш, ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва ҳудудни жадал суръатларда ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб қўйидагилар белгилансин:

ҳудуднинг инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, ёшлар бандлигини таъминлаш; ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш орқали қишлоқ ҳужалиги маҳсулотлари етиштиришни қўлайитириш ҳамда қўлай агробизнес муҳитини яратиш;

таълим соҳасида қўшимча имкониятлар ва инсон капитали ривожини янги босқичга кўтаришга шарт-шароит яратиш;

ижтимоий ҳимоя дастурлари қамровини кенгайтириш.

2. Қорақалпоғистон Республикасида ҳудуднинг инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, ёшлар бандлигини таъминлаш йўналиши доирасида:

а) Қорақалпоғистон Республикасининг барча туманларида жойлашган ва шу ҳудудда фаолият юритадиган тадбиркорлик субъектлари учун 2023 йил 1 январдан 2028 йил 1 январга қадар бўлган даврда:

фойда солиғи, айланмадан олинган солиқ, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ва юридик шахслардан олинган ер солиғи бўйича солиқ ставкалари 50 фоизга камайtirилган ҳолда; ижтимоий солиқ камайtirилиб, 1 фоиз миқдоридagi солиқ ставкасида; якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланаётган ижтимоий солиқ шахслар ҳудудда фаолият юритаётганлар учун 12 бараварга, туманлар ҳудудда фаолият юритаётганлар учун 6 бараварга камайtirилиб,

йилгига базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида белгилансин.

Бунда йирик солиқ тўловчилар, доимий муассасалар, бюджет ташкилотлари ва давлат корхоналари, устав жамғармаси (капитали)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан кўпроқ миқдорда бўлган юридик шахсларга мазкур бандда белгиланаётган имтиёзлар таъбиқ этилмайди;

б) 2022 йил 1 октябрдан 2028 йил 1 январга қадар бўлган даврда:

Қорақалпоғистон Республикасида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни хорижий давлатларга экспорт қилишда, шу жумладан, экспорт қилинадиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун харид қилинган хомашёни республика бўйлаб ташишда транспорт харажатларининг 70 фоизи Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича Хукумат комиссияси (кейинги ўринларда — Хукумат комиссияси) томонидан белгиланган рўйхатга асосан Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан қоплаб берилсин;

Давоми 2-бетда

ТАРАҚҚИЁТ ЙўЛИ

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ЎЗГАРИШЛАР — ХАЛҚИМИЗ МАНФААТЛАРИ КАФОЛАТИ

Ҳозирги кунда дунёда 500 га яқин Конституция бўлиб, шулардан 200 га яқини мустақил давлатлар, қолгани федерациялар субъектлариникидир. Шу ўринда АҚШ Мустақиллик декларацияси асосчиларидан бири Томас Жефферсоннинг қизиқ бир мулоҳазаси диққатимизни тортади. Унинг фикрича, Конституция ҳар 19 йилда ўзгариши керак, негаки шу вақт орасида аҳолининг қарийб ярми янгиланади ва амалдаги Конституция уларнинг қизиқишларини тўлиқ қамраб ололмайди.

Давоми 3-бетда



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН МАКТАБ ОСТОНАСИДАН БОШЛАНДИ

БИРИНЧИ ҚўНҒИРОҚ — БИЛИМЛАР ЧОРЛОВИ

Ўртимиз мустақиллиги нишонланган шукуҳли кунлар яна бир ёрқин тадбирга уланиб кетди. Куни кеча Халқ таълими вазирлиги тизимидаги 10 мингдан ортиқ мактабда биринчи қўнғироқ садоси жаранглаб, билимга чанқоқ ўғил-қизларни ўз бағрига чорлади. Шинам ва ёруғ илм даргоҳларида 2022-2023 ўқув йили бошланди. Жорий ўқув йилида 702 минг нафар ўғил-қиз умумтаълим мактабларининг 1-синфига қабул қилинди. Анъанага кўра, уларга 12 турдаги ўқув қуроллари, мактаб портфели, дарсликлар мажмуасидан иборат Президент совғаси топширилди.



Давоми 3-бетда

ҚАРОР ВА ИЖРО

“МАДАД” ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ ТАРҒИБОТЧИСИ ВА ФУҚАРОЛАРГА БЕМИННАТ КўМАКЧИ

Мамлакатимиз тараққиётининг бугунги босқичида, қолаверса, демократик ҳуқуқий жамият қурилишида аҳоли ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришнинг аниқ механизм ва шакллари самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Шу мақсадда 2019 йил 6 сентябрда Вазирлар Маҳкамасининг “Аҳолига ҳуқуқий ахборотни етказиш ва юридик ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан “Мадад” — муассаса шаклидаги нодавлат ноижорат ташкилоти ва унинг туман (шаҳар) ҳуқуқий маслаҳат бюрolari ташкил этилди.

Таъкидлаш лозимки, ҳукумат қарорига мувофиқ “Мадад” ташкилотининг фаолият бошлаши, аввало, мамлакатимизда нодавлат ноижорат ташкилотлари фуқароларга ҳуқуқий масалалар бўйича бирламчи бепул юридик ёрдам кўрсатиши соҳасида янги тизим пайдо бўлгани, бу борада нодавлат ташкилотлари ҳам фаол иштирок этаётгани билан изоҳланади. Ўз навба-

тида, нодавлат ноижорат ташкилоти томонидан фуқароларга кўрсатиладиган юридик ёрдамнинг мутлақо бепул амалга оширилиши, бунинг учун асосий вазифалар ва молиялаштириш манбалари аниқ белгиланиши ҳам фаолиятимиз самарадорлигига хизмат қилади.

Давоми 5-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ҚОРАҚАЛПОГИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТАДБИРКОРЛИК, ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА ИНФРАТУЗИЛМАЛАРНИ ЖАДАЛ СУРЪАТЛАРДА РИВОЖЛАНТИРИШ ОРҚАЛИ АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

ажратиладиган кредит суммасининг **75 фоизига** (75 фоизи ҳам киреди), бироқ умумий қиймати **2,5 миллиард** сўмдан ошмаган миқдорда Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан кафиликлар тақдим этилсин;

в) **Қорақалпоғистон Республикасидаги ёш тадбиркорларга** ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш учун зарур асбоб-ускуналарни харид қилиш мақсадида Ҳукумат комиссиясининг қарорига асосан тўғридан-тўғри Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузурдаги Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси орқали **7 йил мuddатга қарз маблағлари** тақдим этилсин.

Бунда ажратилган мазкур кредит маблағлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг тақлифлари асосида Ҳукумат комиссияси (Ж.Ходжаев) томонидан тақсимланади;

г) Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури координаторлари (М.Убайдуллаев, А.Камалов, Д.Султанов) Қорақалпоғистон Республикасида **оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари** доирасидаги лойиҳаларни молиялаштириш учун **2022 йил** якунига қадар дастур учун ажратилган ресурслар ҳисобидан қўшимча равишда **200 миллиард** сўм кредит ажратилишини таъминласин.

Белгилансинки, қонунчиликда мазкур банддагидан ортқ солиқ имтиёзлари назарда тутилган бўлса, тадбиркорлик субъектлари учун қўлай солиқ имтиёзлари татбиқ этилади.

Мўйноқ туманидаги тадбиркорлик субъектлари учун қонунчиликда солиқ имтиёзларининг кенгайтирилган рўйхати мавжудлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг Қорақалпоғистон Республикасида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун тижорат банкларига ва “Амударё дельтасида кичик сув ҳавзаларини барпо қилиш. Фаза II” лойиҳаси доирасида молиялаштириш ишларини ташкил қилиш учун Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг (кейинги ўринларда — Жамғарма) маблағлари ҳисобидан **100 миллион** АҚШ доллари эквивалентини қўйидаги шартлар ва йўналишлардаги кредит линиясини ажратиш тўғрисидаги тақлифи маъқуллансин:

а) **95 миллион** АҚШ доллари миқдоридидаги кредит линияси тижорат банкларига **7 йил** мuddатга, шу жумладан, **3 йиллик** имтиёзли давр билан йиллик **10** фоиз ставкада миллий валютада ажратилади. Бунда:

тижорат банклари томонидан кредитлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш (бундан уй-жой қурилиши, савдо, воситачилик соҳасидаги лойиҳалар, шунингдек, акцизоти товарлар ишлаб чиқарувчилар, давлат корхоналари ва устас жамғармасида (устас капиталда) давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахслар ҳамда айланма маблағларни тўлдириш ҳолатлари мустасно) учун йиллик **14** фоиз ставкада, **7 йилгача** мuddатга, шу жумладан, **2 йилгача** бўлган имтиёзли давр билан **10 миллиард** сўмгача миқдорда ажратилади;

ажратилган мазкур кредит линиясидан молиялаштириладиган лойиҳалар рўйхати Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши тавсиясига асосан Ҳукумат комиссияси (Ж.Ходжаев) томонидан шакллантирилади;

б) “Амударё дельтасида кичик сув ҳавзаларини барпо қилиш. Фаза II” лойиҳаси доирасида молиялаштириш ишларини ташкил қилиш учун **5 миллион АҚШ доллари** эквивалентини кредит линияси маблағлари ажратилади.

Бунда Жамғарма Сув ҳўжалиги вазирлигига **2023 йил 31 декабрга қадар** бўлган мuddатга йиллик **10** фоиз ставкаси Марказий банкнинг асосий ставкасида **5 миллион АҚШ доллари** миқдоридида қисқа мuddатли кредит ажратсин ва ушбу кредит кейинчалик лойиҳа бюртмачиси — **Оролни кутқариш халқаро жамғармаси** ижроия кўмитасининг **Нукус филиалига** ўтказилсин.

Сув ҳўжалиги вазирлиги Жамғарманинг жалб қилинадиган кредитини олувчи, Оролни кутқариш халқаро жамғармаси ижроия кўмитасининг Нукус филиали ушбу кредитларнинг мақсадини ва самарали фойдаланишига жавобгар ижроия орган ҳисобланади.

Молия вазирлиги **2023 йил 31 декабрга қадар** бўлган мuddатда Жамғармадан жалб қилинган кредитни қайтариш ва унга ҳисобланган фоизларни тўлаш билан боғлиқ харажатларни Марказий банк томонидан ўрнатилган тўлов кунидида валюта курслари бўйича фарқи ҳисобга олган ҳолда АҚШ доллари эквивалентини Жамғармага Давлат бюджетидан қайтаради.

4. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Ж.Ходжаев) мутасадди вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

икки ой мuddатда Қорақалпоғистон Республикасида жойлашган ва ушбу ҳудудда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларига бепул асосда қўмаклашувчи **“Инвесторларга қўмак маркази”**ни;

“Инвесторларга қўмак маркази” бўида қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланмаган **қаша турган** **ер участкаларида майдони камида 10 гектар** бўлган **ишлаб чиқариш технопаркинни ташкил** этсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида **2022 йил 15 сентябрдан бошлаб 2025 йил 1 январга қадар**, истисно тариқасида, ер участкаларини тўғридан-тўғри ижарага бериш мақсадида йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун энг яхши тақлифни танлаб олишда:

а) энг яхши тақлифлар **5 миллион АҚШ доллари** эквивалентинида бошлаб қўриб чиқилади;

б) ишчи орган **Қорақалпоғистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги** ҳисобланади;

в) қўйидагилар: йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун энг яхши тақлифни танлаб олиш; энг яхши тақлиф деб танлаб олинган йирик инвестиция лойиҳасини амалга оширувчи инвесторларга **ер участкаларини тўғридан-тўғри ижарага** бериш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши томонидан амалга оширилади.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда **икки ой мuddатда** қонунчилик ҳужжатларига мазкур банддан келиб чиқадиган тегишли ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

6. Қўйидагилар маълумот учун қабул қилинсин:

Қорақалпоғистон Республикасида рўйхатдан ўтган барча солиқ тўловчилардан ундирилаётган солиқлар **2022 йил** учун Давлат бюджетини даромадларини шакллантиришнинг тасдиқланган миқдорларидан кам бўлмаган миқдорда **Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига ўтказилади**;

мактабгача таълим ташкилотлари ва умумтаълим мактаблари ходимларининг, жумладан, тарбиячи ва ўқитувчиларнинг иш ҳақи ҳамда унга нисбатан ҳисобланган ижтимоий солиқ тўловларини **Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан амалга ошириш тартиби сақлаб қолинади**.

Бунда солиқ имтиёзлари жорий этилиши сабабли юзага келадиган Қорақалпоғистон Республикаси бюджетини даромадларидида йўқотишлар **Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан ажратиладиган бюджетлараро тартибга солувчи трансфертлар ҳисобига** тўлиқ қопланади.

7. Қорақалпоғистон Республикасида аҳоли турмуш шaroитини янада яхшилаш ва республикадаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш ҳамда оғир шaroитли ҳудудларни қўллаб-қувватлашга йўналтириш мақсадида **2022 йил III чоракдан бошлаб 2024 йил** якунига қадар ҳар чорак якуни бўйича **қўшилган қиймат солиғи бўйича даромадлар прoгнозининг ошириб бажарилган қисми, истисно тариқасида, тўлиқ Қорақалпоғистон Республикасида** қолдирилсин.

8. Қорақалпоғистон Республикасида **ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш** йўналиши доирасида:

а) **2022–2023 йилларда** Қорақалпоғистон Республикасида аукцион савдоларида реализация қилинадиган фойдали қазилма конлари ва истиқболли участкалар рўйхати **1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин;

б) Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидаги қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланмаган ер участкалари:

мулк ҳуқуқи асосида электрон онлайн-аукцион савдоларига бошлангич қиймати **50 фоизга камайтирилган ҳолда** чиқарилсин;

мулк ҳуқуқи ва ижара ҳуқуқи асосида электрон онлайн-аукцион савдолари орқали реализация қилинишидан тўшадиган маблағлардан Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига йўналтириладиган қисмининг **50** фоизи мазкур ер участкаларни жойлашган туман (шаҳар)лар бюджетига уларнинг қўшимча манбалари сифатида ўтказилсин;

в) хусусийлаштириш дастурларига мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикасида жойлашган давлат активларини (бундан ҳудудида **10 000** квадрат метргача бўлган давлат кўчмас мулк объектлари мустасно) сотишдан тўшган маблағлар, уларни баҳолаш ва сотиш харажатлари чегирилган ҳолда, **Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурдаги сув таъминоти ва каналзация тизимларини ривожлантириш ҳудудий жамғармасига** мақсади йўналтирилсин;

г) Ўзбекистон Республикаси Президентининг **2022 йил 30** майдаги **“Қорақалпоғистон Республикасининг шимолӣ туманларида тадбиркорликни ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”**ги ПҚ–264-сон қарорининг 1-бандида назарда тутилган давлат активларини ҳамда тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланмаган бўш турган ер участкаларини электрон онлайн-аукцион савдоларида сотиб олишда қўлланиладиган қоидалар **Қорақалпоғистон Республикасининг барча ҳудудларида** жорий этилсин;

д) Бош вазир ўринбосарлари Ш.Ғаниев ва Ж.Ходжаев Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги (А.Воитов), Сув ҳўжалиги вазирлиги (Ш.Хамроев), Давлат солиқ кўмитаси (Ш.Кудбиев) ва Кадастр агентлиги (Ф.Пулатов) билан биргаликда **2023 йил 1 январга қадар** хоржий экспертларни жалб қилиб, Қорақалпоғистон

Республикасида сув ҳисобини юритиш, йўқотишларни камайтириш ва сув таъминотини барқарорлаштириш дастурини назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқсин.

Бунда сув таъминотини яхшилаш жамғармасини ташкил этиш ва унга сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқларни, ирригация ва мелиорация объектларини реконструкция қилиш учун кўзда тутилган бюджет маблағларини йўналтириш кўзда тутилсин.

9. Қорақалпоғистон Республикасида **қишлоқ ҳўжалиги махсулотлари етиштиришни кўпайтириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадини ошириш ҳамда қўлай агробизнес муҳитини яратиш** йўналиши доирасида:

а) фермер ҳўжаликлари ва кластерлар фойдаланишидаги пахта ва ғалладан қисқартириладиган, аҳоли пунктига яқин ва сув таъминоти яхши бўлган ҳудудлардан захирага қайтарилган ер майдонлари **2-иловага** мувофиқ деҳқон ҳўжалиги ташкил этган ҳолда сабзавотчилик, полиз, дуқкакли, мойли экинлар, картошка етиштириш каби лойиҳаларни амалга ошириш учун фуқароларга, истисно тариқасида, **2 гектаргача** бўлган ўлчамларда очиқ электрон танлов орқали **30 йилга** ижарага берилсин;

б) Ўзбекистон Республикаси Президентининг **2021 йил 15** декабрдаги “Мева-сабзавотчилик соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, тармоқда кластер ва кооперация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–52-сон қарори талабларига асосан мева, узум, сабзавот, картошка, полиз экинлари, гул, кўкатлар ва доривор ўсимликлар, маккажўхори дони, дуқкакли ва мойли экинларни етиштириш учун ҳосил қийматининг **50** фоизигача, аммо гектарига **7 миллион** сўмдан ошмаган миқдорда йиллик **14** фоиз (шундан **2** фоиз банк маржаси) ставкада, **6** ойлик имтиёзли давр билан **12** ой мuddатда кредитлар ажратилиши маълумот учун қабул қилинсин.

Бунда Марказий банк (Б.Захидов) Молия вазирлиги (Т.Ишметов) билан биргаликда **2023 йилда** Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидаги фермер ҳўжаликларига **200** миллиард сўм ва мазкур Фармоннинг 9-банди “а” кичик бандига асосан очиқ электрон танлов орқали экин майдонларини ижарага олган деҳқон ҳўжаликлари учун **50** миллиард сўм миқдоридидаги кредитлар ажратилишини таъминласин;

в) Вазирлар Маҳкамаси (Ш.Ғаниев, Ж.Кўчоров) **бир ой мuddатда** Қорақалпоғистон Республикасида қишлоқ ҳўжалиги экин майдонларининг нотекислигини ва сув ресурсларининг меъёрдан ортқ сарфланишини бартараф этиш мақсадида **2022–2024 йилларда** қишлоқ ҳўжалиги ер майдонларини лазерли мувоҳабатга эга ер текислагич агрегатлар ёрдамида текислаш учун ҳар бир гектарига субсидия ажратиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига тақлиф киритсин;

г) Ўзбекистон Республикаси Президентининг **2020 йил 29** январдаги “Чорвачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4576-сон қарорининг 3-бандида белгиланган субсидия ажратиш тартиби Қорақалпоғистон Республикаси учун **2 йил** мuddатга узайтирилсин;

д) Молия вазирлиги ва Ўзбекистон фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши Қорақалпоғистондаги **деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг** ер майдонларини суғориш учун чуқурлиги **5 метрдан ортқ бўлган ҳар бир вертикал суғориш кудугини** бургилаш ва ишга тушириш билан боғлиқ харажатларини қоплашга кудугининг **ҳар бир метр чуқурлиги учун 100 миң** сўмдан, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг **50 бараваридан ошмаган** миқдорда Фермер, деҳқон ҳўжалиги ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан **субсидиялар ажратилишини таъминласин**;

е) Вазирлар Маҳкамаси (Ш.Ғаниев, Ж.Кўчоров) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг **2021 йил 11** ноябрдаги “Чирчиқ шаҳрида қишлоқ ҳўжалиги машинасозлик кластерини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–7-сон қарори талабларига мувофиқ, **2023 йил** якунига қадар Қорақалпоғистон Республикасидаги фермер ҳўжаликлари томонидан камида **200** та янги юқори унумли комбинацион техникаларни харид қилиш учун субсидиялар ажратилишини таъминласин.

10. Қорақалпоғистон Республикасида **таълим соҳасида қўшимча имкониятлар ва инсон капитали ривожини янги босқичга кўтаришга шарт-шaroит яратиш** йўналиши доирасида:

а) Давлат олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш жараёнини мувофиқлаштириш бўйича давлат комиссияси (А.Арипов) Ёшлар ишлари агентлиги (А.Саъдуллаев) ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг зарур таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича шакллантирилган бюртмасига мувофиқ, ўн кун мuddатда **2022/2023 ўқув йили учун** Қорақалпоғистон Республикасида умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларини тамомлаган **500 нафар, кейинги ўқув йиллари учун эса ҳар йили 1 сентябрга**

қадар 6 500 нафар ёшларнинг вилоятлардаги давлат олий таълим муассасаларига қўшимча қабул параметрлари асосида ўқишга қабул қилинишини таъминласин.

Бунда мазкур қабул кўрсаткичлари бўйича ўқишга қабул қилинган талабаларга ажратилган таълим кредитлари бўйича фоиз тўловларини Молия вазирлиги ҳузурдаги Таълим кредитини молиялаштириш жамғармаси ҳисобидан қўлаб бериш имконияти яратилсин;

б) Қорақалпоғистон Республикасидаги давлат олий таълим муассасаларини салоҳиятли профессор-ўқитувчилар билан таъминлаш мақсадида **2023 йилдан бошлаб** мамлакатимизнинг етакчи олий таълим муассасаларида экология, қишлоқ ҳўжалиги, ирригация ва қурилиш йўналишлари бўйича **таянч докторантурада кадрларни мақсадли тайёрлаш йўлга қўйилсин**;

в) **2022 йил 1 октябрдан бошлаб** Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шериклик бўйича битимларни имзолаш, истисно тариқасида, Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги томонидан амалга оширилсин;

г) **2022 йил 1 октябрдан бошлаб 5 йил мuddатга** Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидаги нодавлат таълим ташкилотлари ўқув жараёни учун жалб этилган хоржий мутахассислар (ўқитувчилар) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тасдиқномаларни расмийлаштириш ва бериш (узайтириш) учун ундирилаётган тўлов, Ўзбекистон Республикасига кириш визаси олиш учун консуллик йиғимлари ва яшаш жойида рўйхатга олиш учун ундирилаётган **давлат божи тўлашдан озод** этилсин.

11. Қорақалпоғистон Республикасида **ижтимоий ҳимоя дастурлари қамровини кенгайтириш** йўналиши доирасида **2022 йил 15 сентябрдан бошлаб** Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида истиском қилаётган ёшга доир пенсия ва нафақа олувчилар, ногиронлиги бўлган шахслар учун **темир йул ва авиайўловчилар чипталарини сотиш 50 фоизлик имтиёзли тарифлар бўйича** амалга оширилсин ҳамда йўловчи ташувчи компанияларнинг ушбу имтиёз тақдим қилиш билан боғлиқ харажатлари Ўзбекистон Республикаси республика бюджетини маблағлари ҳисобидан қўлаб берилсин.

Транспорт вазирлиги Молия вазирлиги, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ва резидент авиакомпаниялар билан биргаликда **бир ой мuddатда** йўловчиларнинг тегишли тоифалари учун махсус тарифларни тасдиқласин.

12. Қорақалпоғистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва тадбиркорликни янада ривожлантириш бўйича **“Йул харитаси” 3-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

13. Молия вазирлиги **2022 йил 1 октябрга қадар** “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали аниқланган кам таъминланган оилаларга қиш мавсумини беталафот ўтказиш учун (қўмир, суюлтирилган газ, озиқ-овқат, бошқа зарурий эҳтиёжлари учун) ҳар бир кам таъминланган оилага базавий ҳисоблаш миқдорининг **2** баравари миқдоридида бир маргалик моддий ёрдам пулларини ажратиш учун Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетига **Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан қўшимча 100 миллиард сўмгача** маблағ ажратсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши **2022 йил 25 октябрга қадар** “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида рўйхатга олинган ҳар бир оилага қиш мавсумини беталафот ўтказиш учун ажратилаётган **бир маргалик моддий ёрдам пуллари** тўлиқ тўлаб берилишини таъминлаш ҳамда амалга оширилган ишлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот берсин.

14. А-380 “Ғузур — Бухоро — Нукус — Бейнеу” халқаро аҳамиятдаги автомобиль йўлининг Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидадан ўтган қисми бўйлаб йўл бўйи инфратузилмасини ривожлантириш, шу жумладан, савдо ва сервис объектларини жойлаштириш мақсадида:

Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги, Сув ҳўжалиги вазирлиги, Урмон ҳўжалиги давлат қўмитасининг **4-иловага** мувофиқ жами **809 гектар** қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ер участкалари ва урмон фонди ерларини, шундан **85,6 гектар** суғориладиган ер участкаларини (кейинги ўринларда — танланган ер участкалари) аҳоли пунктларининг қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланмаган ерлари тоифасига ўтказиш тўғрисидаги ҳулосаси;

Қорақалпоғистон Республикаси Кегейли тумани, “Ақтуба” ОФЙ 3718қ контурдаги **2 гектар** ва Хўжайли тумани, “Кулаб” ОФЙ 59қ, 60қ, 60ақ контурдаги **3,7 гектар** ер майдонинида ташкил этилган ёшлар саноат ва тадбиркорлик

зоналари ерларининг йайлов ер тоифасини саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар тоифасига ўзгариштириш тўғрисидаги ҳулосаси;

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Туризм ва маданий мерос вазирлигининг танланган ер участкаларини мастер-режа асосида йўл бўйи инфратузилмасини ривожлантириш, жумладан, савдо ва сервис объектларини жойлаштириш учун электрон онлайн-аукцион орқали реализация қилиш тўғрисидаги тақлифи маъқуллансин.

Кадастр агентлиги мазкур бандга асосан ер ресурсларининг ҳолати тўғрисидаги миллий ҳисоботга ўзгариштиришлар киритилишини таъминласин.

Белгилансинки, танланган ер участкалари қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ерлар ҳамда ўрмон фонди ерлари тоифасидан чиқарилиши муносабати билан ҳисобланадиган қишлоқ ҳўжалиги ва ўрмон ҳўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш бўйича тўловлар, истисно тариқасида, ундирилмайди.

15. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши икки ой мuddатга:

танланган ер участкаларининг белгиланган тартибда захирага қайтарилиши, давлат мулки сифатида давлат рўйхатидан ўтказилиши ҳамда электрон онлайн-аукционга чиқарилишини;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳузурдаги тадбиркорлик инфратузилмасини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан етакчи лойиҳа ташкилотларини жалб қилган ҳолда танланган ер участкаларининг мастер-режалари ишлаб чиқилишини таъминласин.

16. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Ш. Вафоев) йил якунига қадар А-380 “Ғузур — Бухоро — Нукус — Бейнеу” халқаро аҳамиятдаги автомобиль йўлининг Тўртқўл, Беруний ва Эллиқалъа туманларидан ўтган қисмини реконструкция қилишга халқаро молия институтларидан дастлабки ҳисоб-китобларга асосан **160 миллион** АҚШ доллари миқдоридидаги маблағлар жалб этилишини таъминласин.

17. Вазирлар Маҳкамаси (А. Раматов) Қурилиш вазирлиги, Кадастр агентлиги ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши билан биргаликда икки ой мuddатда Қорақалпоғистон Республикасининг туманларида аҳоли учун яқка тартибдаги уй-жойлар қуриш учун ер участкаларини тақдим этиш ва **2023–2026 йилларда** кўп қаватли ва яқка тартибдаги уй-жойларни қуриш параметрларини тасдиқлашни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқсин.

18. Белгилансинки, мазкур Фармоннинг **8-банди “б” кичик бандининг “г” кичик бандида** назарда тутилган қоидалар Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида татбиқ этилади.

ТАРАҚИЁТ ЙЎЛИ

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ЎЗГАРИШЛАР — ХАЛҚИМИЗ МАНФААТЛАРИ КАФОЛАТИ



Мирзаюсуф РУСТАМБОВ, Конституциявий комиссия аъзоси, юридик фанлар доктори, профессор

Бошланғич 1-бетда

Ўзбекистоннинг янги тарақиёт даврида ҳозирги ва келажак ҳаётнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масъулияти ва шарафли вазифаси вужудга келди. Конституциявий ислохотларда инсон қадри, инсон манфаати ҳар нарсадан устун эканига алоҳида эътибор қаратишмоқда. Чунки бу янги давр талаби, демократиянинг умум-этирофи этилган тамойилдир.

Конституциявий ўзгаришлар тўртта устувор йўналишда

Давлатимиз раҳбари Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувда Бош қонунимизда акс этиши лозим бўлган тўртта устувор йўналишга тўхталиб ўтди.

Хусусан, биринчи устувор йўналиш — инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, қадр-қиммати, дахлсиз ҳуқуқлари ва манфаатлари масаласи. Амалдаги Конституциявий нормаларига эътибор берсак, кўп қоидалар умумий тарзда ифодаланганини кўрамиз. Яъни фуқароларнинг ўз ҳуқуқларини амалга оширишда, ҳимоялашда аниқ белгиланган қоидаларни учратиш қийин. Шу боис, давлатимиз раҳбари қатор янги нормаларни киритиш тақлифини илгари сурди. Буларга ўлим жазосини тақиқлаш, "Миранда қондаси"ни қўллаш, бирор шахс суд қарорига қадар кўпи билан кўрик саккиз соатдан ортиқ ушлаб турилиши мумкин эмаслиги, ҳеч кимга баъраиб бўлмайдиган мажбуриятни юктамаслик ёки қонун имконсиз нарсани талаб қилмаслиги, мамлакат бўйлаб эркин ҳаракатланиш каби нормаларни мисол сифатида айтиш мумкин.

Замон ривожланган сари ечимни қонунчиликда қўрсатилмаган ёки ноаниқликларга сабаб бўлган айрим ижтимоий муносабатлар, вазиятлар ёки ҳолатлар вужудга келиши табиий. Шундай ҳолатларда муаммо кимнинг фойдасига ва қандай тартибда ҳал этилиши мумкидир. Ушбу тамойил одатда жиноят процесси иштирокчилари, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш доирасида кенг қўлланалиб келинмоқда. Инсоннинг давлат органлари билан ўзаро муносабатга киришишида қонунчиликдаги бартараф этиб бўлмайдиган барча қарама-қаршиликлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин қилиниши конституциявий қонун лойиҳаси 13-моддасида белгиланиши, энг аввало, инсон манфаатлари устунлиги таъминланишига олиб келади.

Конституциявийнинг 17-моддасига киритилган "Ўзбекистон барча давлатлар билан дўстона ва тинчликсеварлик ташқи сиёсатини олиб боради" принципининг ўзи ҳам кейинги йилларда чет давлатлар, хусусан, қўшни мамлакатлар билан ўзаро муносабатлар тўздан яхшиланаётганини ифодаси, дейиш мумкин. Қисқа вақтга узоқ йиллар давомида тўпланиб қолган турли муаммолар кун тартибидан олиб ташланди. Натижанда Марказий Осиёда яратувчанликка, ўзаро ҳамкорликка қаратилган дўстона муҳит яратилди.

Афсуски, судланганлик факти нафақат шахсининг ўзига, унинг ҳаётига, балки оила аъзолари, яқин қариндошларига ҳам салбий таъсир кўрсатиб келаётган эди. Қонуан тақиқларга қарамай, айрим давлат органларида ҳали ҳам судланганлик билан боғлиқ инсон ҳақ-ҳуқуқларини поймол қилувчи норасмий чекловлар, дискриминациявий ҳаллар амал қилиб келаётганини эсимиз. Бу каби салбий ҳолатнинг олдини олиш мақсадида конституциявий қонун лойиҳасининг 26-моддасида шахсининг судланганлиги ва бундан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар унинг қариндошлари ҳуқуқларини чеklang учун асос бўлмаслиги кераклиги қатъий белгилаб қўйилмоқда. Таъкидлаш лозимки, бунга ўхшаш кўплаб ҳуқуқий муаммолар конституциявий қонун лойиҳасига киритилган янги қоидалар билан бартараф этилиши назарда тутилган.

Конституциявий қонун лойиҳасининг 28-моддасига Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонуний асосларда бўлиб турган ҳар бир шахс мамлакат бўйлаб эркин ҳаракатланиш, турар ва яшаш жойини эркин танлаш ҳуқуқига эгаллиги белгилаб қўйилмоқда.

Иккинчи устувор йўналиш — Асосий қонунимизда "Ўзбекистон — ижтимоий

давлат" тамойилини мустаҳкамлаш. Эътибор қаратадиган бўлсак, конституциявий қонун лойиҳасида фуқароларнинг иқтисодий, ижтимоий, маданий, экологик ҳуқуқларига алоҳида эътибор қаратиляпти. Бу йўналишда давлатнинг ижтимоий давлат эканини кўрсатиб берувчи қоидалар мустаҳкамланмоқда. Мазкур янги қоидалар аҳолининг фаровон ҳаёт тарзини таъминлаш, ижтимоий табақалашувнинг олдини олиш, адолатли ижтимоий сиёсат юритишни назарда тутишмоқда. Масалан, конституциявий қонун лойиҳасининг 39-моддасида давлат ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд ва кам таъминланган, уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож фуқароларни қонунда белгиланган тартибда уй-жой билан таъминлаш назарда тутилган.

Яқингача оддий одамлар ва тадбиркорларни қўлайлаштирадиган "снос" масаласи эди. Янги дўкон қурган ёки сотиб олган тадбиркорда, бир тарафдан, "энди фойда кўраман", деган орзу-хавас бўлса, бошқа тарафдан, "ишқилиб дўконим "снос"га тушмасин", деган хавотир бўлиши табиий ҳол бўлиб қолди. Шундай экан, "снос"лар қонуний ва адолатли бўлиши керак ва жамиятимиздаги энг муҳим масалалардан бири сифатида Конституцияда ўз ифодасини топиши зарурдир.

Шу жиҳатдан Конституциямизга янги киритилган 531-моддада "Ҳеч бир шахс ўз мол-мулкидан суднинг қарорисиз маҳрум этилиши мумкин эмас. Мулкни жамоат эҳтиёжлари учун мажбурий равишда бошқа шахсга ўтказиш қонунда назарда тутилган алоҳида ҳолларда ҳамда тартибда унинг ўрнини олдиндан ва тенг қийматда

КОНСТИТУЦИЯМИЗГА ЯНГИ КИРИТИЛАЁТГАН 531-МОДДАДА "ҲЕЧ БИР ШАХС ЎЗ МОЛ-МУЛКИДАН СУДНИНГ ҚАРОРИСИЗ МАХРУМ ЭТИЛИШИ МУМКИН ЭМАС. МУЛКНИ ЖАМОАТ ЭҲТИЁЖЛАРИ УЧУН МАЖБУРИЙ РАВИШДА БОШҚА ШАХСГА ЎТКАЗИШ ҚОНУНДА НАЗАРДА ТУТИЛГАН АЛОҲИДА ҲОЛЛАРДА ҲАМДА ТАРТИБДА УНИНГ ЎРНИНИ ОЛДИНДАН ВА ТЕНГ ҚИЙМАТДА ҚОШЛАШ ШАРТИ БИЛАН АМАЛГА ОШИРИЛИШИ МУМКИН", ДЕГАН ҚОИДА МУСТАҲКАМЛАНИШИ КЎПЛАБ МУАММОЛИ ВАЗИЯТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА КОНСТИТУЦИЯВИЙ ЖИҲАТДАН ЁРДАМ БЕРАДИ.

қоплаш шарти билан амалга оширилиши мумкин", деган қоида мустаҳкамланиши кўплаб муаммоли вазиятларнинг олдини олишга конституциявий жиҳатдан ёрдам беради.

Учинчи устувор йўналиш — эркин ва адолатли фуқаролик жамияти ривожланиши билан боғлиқ масала. Эътиборлики, лойиҳада учинчи бўлим "Фуқаролик жамияти ва шахс" деб номланмоқда (амалдаги таҳрирда "Жамият ва шахс" деб номланган). Бир қарашда ҳеч нарса ўзгармагандек, аслида мазкур бўлимда фуқаролик жамияти институтларига алоҳида эътибор қаратилган, яъни "жамият — ислохотлар ташаббускори" тамойилига таянилиши назарда тутилмоқда. Маҳалланинг ҳозирги ўрни ва ролини кучайтириш, халқ билан давлат ўртасида ишончли кўприк вазифасини ўташдаги масъулиятини ошириш шулар жумласидан. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, айна пайтда маҳаллани фуқаролар ўзи фикри ва дардини, тақлиф ва тавсияларини эркин айтганда, муаммосига самарали ечим топадиган чинакам халқчил тузилмага айлантириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Мазкур йўналишдан келиб чиқиб, маҳалланинг давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмаслиги, жойлардаги маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни мустақил ҳал этиш бўйича ваколатлари алоҳида белгиланиши, фуқаролик жамияти институтлари — маҳаллалар, сиёсий партиялар, ҳаракатлар, оммавий ахборот воситалари, қасба уюшмалари, жамғармалар ва бошқа жамоат бирлашмалари ўрни ва мақомини янада мустаҳкамлаш каби масалалар Конституция лойиҳасида ўз ифодасини топмоқда.

Конституциявий қонун лойиҳасида фуқаролик жамияти институти тушунчаси киритилиши ҳам мазкур институтга конституциявий мақом моҳиятини бермоқда. Тарихан олиб қарайдиган бўлсак, фуқаролик жамияти азалдан шаклланиб келган институтидир. Бунга яққол мисол тарихида Форобийнинг "Фозил одамлар шарҳи" асарига мурожаат қилишимиз мумкин. Ҳозирги глобаллашув шароитида ҳам маҳалла жамиятнинг ислохотлар ташаббускорига айланиши лозим.

Халқнинг кўплаб оғриқли нукталари маҳаллада ташкил этилган "Темир дафтар", "Аёллар дафтари", "Ёшлар дафтари" да ҳал бўлаётганини кузатиб турибмиз. Энди конституциявий қонун лойиҳасида маҳалла тушунчаси, маҳалланинг давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмаслиги, давлат маҳаллалар фаолиятини амалга ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиши каби муҳим қоидаларга ўрин берилди. Маҳалла институти имкониятларидан самарали фойдаланиш, унинг ваколатларини янада кенгайтириш, пировард натижада маҳаллани жамиятимизнинг халқ қилувчи бўлишига айлантириш вазифаси ниятда долзарбдир. Маҳалла тинч бўлса, юрт тинч бўлади, маҳалла обод бўлса, бутун мамлакат обод бўлади. Шунинг учун маҳаллаларни бевосита ноёб нодавлат мустақил бошқарув тузилмаси сифатида шакллантириш, унинг урф-одатларимиз, анъаналаримиз давомийлигини таъминлашдаги ролини кучайтириш муҳим вазифадир.

Тўртинчи устувор йўналиш — Ўзбекистонда инсонпарвар, демократик, ҳуқуқий давлат қуриш масаласи. Мазкур йўналишдан келиб чиқиб, "Ўзбекистон — ҳуқуқий давлат" ғояси конституциявий қонун лойиҳаси 1-моддасида ифодаланиши давлатнинг адолатга, қонун устуворлигига таянгани яққол нишондир. Ҳуқуқий давлат барчанинг қонун олдида тенглигини таъминлаб берувчи сиёсий тузилма.

Эътибор қаратадиган бўлсак, кейинги йилларда мамлакатимизда давлат бошқарувини эркинлаштиришда тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Амалдаги Конституциянинг 78, 80, 83-моддаларига киритилган янги ўзгаришлар давлат бошқаруви ислохотларининг мантқиқий давоми, десак хато қилмаган бўламиз. Президентнинг баъзи ваколатлари парламентга ўтказилиши Ўзбекистонда демократик ўзгаришлар кечаяётганини, бу ишлар ортага қайтмас эканини яна бир бор тасдиқлайди. Ушбу ислохотлар Олий Мажлис ваколатларини кенгайтиради, бир вақтинг ўзида халқ вакиллари масъулиятини янада оширади.

Конституциявий қонун лойиҳасидаги давлат ҳокимияти органлари билан боғлиқ ўзгаришларга, биринчидан, Олий Мажлис палаталари Вазирлар Маҳкамасининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан йиллик маърузасини, коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги ҳар йилги Миллий маърузани қўриб чиқиши, Бола ҳуқуқлари бўйича вакилни сайлаш, иқинчидан, Президентнинг Коррупцияга қарши курашиш агентлиги раҳбарини тайинлаш фармони Сенат томонидан тасдиқланиши тартибини жорий

МУНОСАБАТ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз бир йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқиди халқимиз учун ниҳоятда қадрли бўлган, миллий давлатчилигимизни, ўзлимиз ва инсоний ҳақ-ҳуқуқларимизни тиклаб берган, барча ютуқ ва марраларимизнинг замини бўлган Мустақилликнинг моҳиятини атрофлича баён этди.

СОБИТҚАДАМЛИК ҲАР ҚАЧОНГИДАН ҲАМ МУҲИМ



Мухтабар ҚУСАНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты

Дарҳақиқат, бу ёруғ кунларимизнинг мустаҳкам асоси ўттиз бир йил давомида мустақил тарақиётимиз йўлида забот этилган заварли марраларда, эришилган ютуқларда, кўп миллатли халқимизнинг Ватан равнақи учун қанчадан-қанча синов ва машаққатлари мардонвор бошидан кечирганида яққол намоян бўлади.

Таъкидлаш жоизки, тарақиётимизнинг янги босқичида ҳар бир ватандошимиз орзу-ниятлари инобатга олиниб, кенг қамровли ислохотлар изчиллик билан амалга ошириб келинмоқда. Президентимиз ўз нутқида таъкидлаганидек, "Утган даврда "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак", деган тамойил фаолиятимиз дастурига айланди".

Шу тариқа, давлат органларининг халқимизга хизмат қилиши йўлида авваллари мутлақо қўлланмаган янги механизмлари жорий этилди. Бу борада давлат

ҳокимияти органлари фаолиятида ошқоралиқни таъминлашга алоҳида эътибор қаратиб келинаётгани, давлат фуқаролик хизматчилари мақоми, фаолият доираси, ҳуқуқ ва мажбуриятлари мустақил давлатчилигимиз тарихида илк бор махсус қонун билан белгилангани эътирофга молик.

Таъкидлаш жоизки, Президентимиз байрам нутқида Тарақиёт стратегияси доирасида кейинги ишларимизнинг 5 та асосий вазифалар бўйича ташкил этилишига алоҳида тўхталди. Бу таълим соҳасини ривожлантириш, суд тизимидаги ислохотларни давом эттириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, соғлиқни сақлаш тизимини сифат жиҳатдан яхшилаш, аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш каби муҳим вазифалардир.

Ҳар шундай ҳолда борар экан, аввало, таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда коррупцияга қарши муросасиз курашнинг қонуний асослари кучайтирилиб, судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш орқали фуқаролар, тадбиркорлик субъектларининг судларга ишончи ортишига эришиляпти. Айниқса, ижтимоий-иқтисодий муҳим аҳамиятли ҳар бир норматив-ҳуқуқий ҳужжатни халқ муҳокамасидан ўтказиш амалиятининг қўлланилаётгани халқ ҳокимиятчилигининг эркин ифодасидир. Жойларда, аҳоли билан учрашувларда фуқаролар мазкур жараёнларнинг бевосита иштирокчисига айланган, дахлдорлик ҳисси ошгани соҳада ислохотлар самарадорлиги динамика ривожланишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Халқимизнинг энг улуг, энг азиз байрамида илк мартаба "Янги Ўзбекистон" давлатига таъриф берилгани ҳам халқпарварликнинг эркин намунаси бўлиб, юксалиш сари жадал илдамлаб бораётган мамлакат сиёсати концепцияси ифодаланган бир ҳуқуқ бўлиши мумкин. Зеро, ҳар бир фуқаронинг ҳаётини янада яхшилаш

мақсадида давлат хизматларидан фойдаланиш учун кенг имкониятлар берадиган, одамлар ўз муаммолари ҳақида очик гапириши ва уларнинг ечимини учун биргаликда ҳаракат қилишига барча шароитлар мавжудлиги, ҳамма учун адолатли сўзсиз таъминлаш имкониятини берадиган ҳамда фуқаролар ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдида тенг бўлган, тадбиркорлик ривожини учун зарур шароитлар яратилган давлатда ҳар бир ислохот самарали амалга оширилади.

Бундан қўринадики, фуқароларга гамхўрлик кўрсатиш ҳамда очик ва адолатли жамият шаклланишини қўллаб-қувватлаш вазифалари қўйилган халқимиз олдидаги масъулиятини ҳам янада оширади. Шу кунларда юртдошларимиз орзу-истаклари, хоҳиш-иродаси, тақлифлари асосида янгиланаётган Асосий қонунимиз нормаларида ҳам чинакам халқ Конституциясини ифода этувчи, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари устуворлигини таъминлашга, демократик янгилишларни кучайтиришга қаратилган ғоялар муржасам.

Ҳеч шубҳасиз, халқимизнинг амалга оширилаётган ислохотларга бўлган ишонч ҳаётимиз кун сайин яхшиланаиб боришида бош мезон бўлиб, халқро ҳамжамиятда, умум-этироф этилган реитингларда ҳам нуфузимиз сезиларли равишда юксалиб бормоқда. Бу йўлда барча фуқароларимизнинг собитқадамлик билан илдамлаши ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамиятга эга. Зеро, Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўз нутқида таъкидлаганидек, "Бугун биз ўз олдимизга улғувор ва юксак мақсадларни қўймоқдамиз. Ана шундай улкан марраларга етиш йўлида кўп миллатли эл-юртимиз янада бирлашиб, ягона аҳил оила, ягона халқ бўлиб, астойдил ҳаракат қилмоқда".

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН МАКТАБ ОСТОНАСИДАН БОШЛАНАДИ

БИРИНЧИ ҚЎНҒИРОҚ — БИЛИМЛАР ЧОРЛОВИ



Бошланғич 1-бетда

"Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азизи!" шори остида ўтказилган "Биринчи қўнғироқ" тадбирларида халқимиз ардоғидаги инсонлар, мактабларнинг кўзга кўринган битирувчилари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

— Мактаб — орзуларга қанот бағишлайдиган, ҳар бир ўқувчининг келгусидаги мақсадлари ижобатига пойдевор бўлувчи табарруқ маскан. У болаларнинг маънавий уйи, унда олинаятган билим ва сабоқлар ёшлар учун катта бойлик, битмас-туганмас хазинадир, — дейди халқ таълими вазири Бахтиёр Саидов. — Юртимизнинг келгусида тараққий этган давлатлар қаторига қўшилиши ва ривожланиши фарзандларимизнинг мазкур масканда олаётган билимига боғлиқ. Доно халқимиз таъбири билан айтганда, билим ҳар қандай вақтда маёқ вазифасини ўтайди, дунё эшикларини очди.

Юртимизда халқ таълими тизимидаги таълим муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасидаги ислохотлар ўз самарасини бермоқда. Соҳага ажратилаётган

маблагнинг манзилли йўналтирилиши натижасида янги мактаблар бунёд этилмоқда, мавжудлари реконструкция қилинмоқда ёки мукамал таъмирланмоқда. Жумладан, янги ўқув йили олдида 787 та мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилди. Қўшимча қарийб 120 минг ўқувчи ўрни очилди.

"Биринчи қўнғироқ" тантаналари пойтахтимизнинг Яққасарой туманидаги 91-мактабда ҳам юқори савияда ўтди. Мактаб ҳовлиси байрамона безатилган, йиғилганлар қалбига ўзгача ҳаяжон ҳукмрон. Сабаби, бундан салкам бир аср олдин қурилган, яроқсиз ҳолга келган мактаб биноси ўрнида замонавий иншоот қад ростлаб, фойдаланишга топширилди. Янги ўқув йили арафасида 540 ўринга мўлжалланган уч қаватли бионининг ишга туширилиши ҳудуддаги ўқувчиларни тўлиқ қамраб олиш борасидаги муаммоларга муносиб ечим бўлди.

— Мактабимиз биноси 800 ўринга мўлжалланган эди, — дейди муассаса директори Азиза Темирова. — Янги ўқув биноси қурилиши натижасида мактабимиз қуввати 1340 ўринга етди. Дарслар икки сменада ташкил қилинган. Янги бир неча тўғрак хоналари,

кутубхона ўқувчилар ихтиёрида. Бу йил 182 нафар ўғил-қизини 1-синфга қабул қилдик. 52 та синфхона барча зарур жиҳозлар билан таъминланган. Бу ўғил-қизларнинг дарсларини яхши ўлаштириб, етуқ инсонлар бўлиб ўлғайишига хизмат қилади.

"Ташаббусли бюджет" лойиҳаси доирасида ҳам юртимиздаги қатор умумтаълим мактабларида қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилмоқда. "Очик бюджет" портали орқали шу йилнинг ўзида юртимиздаги 873 та умумтаълим мактабини қуриш ва таъмирлаш бўйича ташаббус қўрсатилган. Унга кўра, 302,1 миллиард сўмлик шартнома тузилган. Бугунга қадар 196,2 миллиард сўмлик қурилиш-таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари бажарилди. Умумий ҳисобда бу йил қурилиш-таъмирлаш ишлари давом этаётган умумтаълим мактаблари сони 1500 тадан ортиқчи ташкил этмоқда. Бу мамлакатимизда мактаб таълимига берилаётган юксак эътиборнинг эркин намунасидир.

Мустақиллик байрами шукӯчи билан уйғунлашиб кетган "Биринчи қўнғироқ" тантаналари юртимиздаги барча умумтаълим мактабларида 2022/2023 ўқув йилининг биринчи дарс соати — "Мустақиллик дарслари"га улашиб кетди. Ушбу дарсларда истиқлол йилларидаги муваффақиятлар, ёшларимиз томонидан қўлга киритилган салмоқли ғалабалар ҳамда тарихимиздаги эркин лавҳалар, хусусан, сўнги йилларда ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий, маънавий-маърифий, ташқи сиёсат ва хавфсизликни таъминлаш борасида эришилган ютуқлар, таълимдаги ислохотлар, ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат сиёсати, ислохотларнинг мазмун-моҳияти борасида ўқувчиларга кенг маълумот берилди.

Рисолат МАДИЕВА, "Янги Ўзбекистон" муҳбири



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

ТАҲЛИЛ ВА ТАҚҚОС

Мамлакатимизда сўнгги йилларда барча жабхаларда амалга оширилаётган ислохотлар маҳсулини бугун ҳар биримиз турмушимизда бўлаётган ўзгаришлар, тевақатрофимизда кечаётган янгиланишлар жараёни мисолида ҳис этиб турибмиз. Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги тарихий ислохотлар самараси халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилаётгани эса алоҳида таҳсинга сазовор.

ЯНГИ ТАШАББУСЛАР, ҚУЛАЙЛИК ВА ИМТИЁЗЛАР

Бугунги кун тадбиркорларининг янада ривожланишига замин яратмоқда

эркин бозор муносабатлари иқтисодий табақаланиш муаммосини келтириб чиқаришга мойил. Бу эса ҳудудлар ривожланишида номуносабликни юзага келтириши мумкин.

Ҳудудлар ривожланишида табиийки, уларнинг демографик хусусияти, меҳнат ва табиий ресурслари муҳим ўрин тутди. Чунки ҳар бир ҳудуд табиий ресурслари, салоҳияти, яратилган ишлаб чиқариш қувватлари базаси билан фарқланиб, ажралиб туради. Давлатнинг роли эса ишлаб чиқариш кучларини оқилона жойлаштириш, инфратузилма тармоқлари ва қулай бизнес муҳитини яратиб бериш ҳисобланади.

Бугунги кунда ҳар бир ҳудуднинг мутаносиб ривожланиши таъминлаш долзарб масала бўлиб қолмоқда. Бу борада аҳолининг тадбиркорликка мойиллигини ошириш ҳудудлар ривожига муҳим омил сифатида қаралмоқда. Албатта, бунда баъзи бир қийинчиликлар ҳам мавжуд. Чунки ҳудудларнинг нотекис ривожланиши — инфратузилма объектларини барпо этиш қийин ҳисобланган тоғ олди, тоғли ва узоқ жойлашган ҳудудлар мавжудлигидан ҳам келиб чиқади. Лекин бу масалани инновацион ечимлар орқали ҳал қилиш мумкин.

Ҳудудий номуносаблик деганда, пировардида, ҳудудлар ўртасидаги турмуш даражаси ва ишлаш имкониятларидаги фарқнинг кескинлашиб кетиши тушунилади. Ҳар бир нарсада бўлгани каби ҳудудлар ривожланишида ҳам баланс бўлиши керак. Бу, биринчи навбатда, инвестиция оқимининг бир томонлама ҳаракати, салоҳиятли кадрларнинг бир жойда тўпланиб қолиши каби рағбат олиб келиши мумкин.

ЯҲМда ҳудудий sanoat улуши ортмоқда

Ҳудудларда иқтисодий-иқтисодий соҳалардаги муаммоларни ҳал этиш бўйича давлатимиз томонидан қатор чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Бунга ҳудудларни ривожлантириш дастурларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Ишлаб чиқариётган ва амалга оширилаётган ҳудудий дастурлар, йўл хариталари минтақаларни иқтисодий-иқтисодий ривожлантиришдаги асосий восита ҳисобланади.

мазкур ҳудудларга 2 триллион 950 миллиард сўм маблағ йўналтирилиб, 3 минг 778 километр ичимлик сув таъминоти ва оқова сув тизими, 2 минг 474 километр электр энергияси тармоғи, 619 та трансформатор, 615 километр газ тармоғини қуриш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Бундан ташқари, ҳудудларнинг табиий-иқтисодий салоҳиятидан оқилона фойдаланиш, инвестицияларни жалб қилиш, юқори технологияли ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида жойларда ташкил этилган 21 та махсус иқтисодий, 114 та кичик sanoat зоналари, 7 та технопарк ҳамда 415 та кластерларнинг фаолиятини тартибга солиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Мавжуд қувватларни модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш, иқтисодий диверсификация қилиш, экспорт салоҳиятини кенгайтириш, ҳудудларнинг тадбиркорлик ва инвестицион фаолиятини ошириш бўйича қўрилган чоралар тўғрисида Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Навоий, Наманган, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятларида юқори иқтисодий ўсish қайд этилди. Хусусан, 2017–2021 йилларда ялпи ҳудудий махсус ўсish ҳудудларда 127–150 фоиз ўсди.

Маҳаллий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, улар учун яратиб берилган қулай шарт-шароитлар натижасида ҳудудий sanoat улуши 2017 йилдаги 33,4 фоиздан 2021 йилда 38,5 фоизга ошди.

Сўнгги йилларда иқтисодий соҳа, айниқса, таълимда қатор ижобий ўзгаришлар кузатилди. 3–6 ёшли болаларни мактабга таълим билан қамраб олиш даражаси 2017 йилга нисбатан 36,6 фоизга ўсди. Ҳудудлар кесимида энг яхши кўрсаткичлар Қорақалпоғистон Республикаси (74,2 фоиз), Навоий (73,4 фоиз), Бухоро (70,6 фоиз), Фарғона (71,5 фоиз) ва Сирдарё (70,1 фоиз) вилоятларида таълим, энг паст кўрсаткичлар эса Самарқанд (58,3 фоиз), Тошкент (52,4 фоиз) ва Сурхондарё (45,1 фоиз) вилоятларида кузатилмоқда.

Вилоятларда республика ва хориж олийгоҳларнинг ҳудудий филиаллари ташкил этилди ва бугунги кунда уларнинг сони 177 тага етди. Олий таълим муассасаларининг сони бўйича пойтахтдан сўнг, Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Фарғона, Андижон ва Тошкент вилоятлари етакчилик қилмоқда.

66

МАҲАЛЛИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, УЛАР УЧУН ЯРАТИБ БЕРИЛГАН ҚУЛАЙ ШАРТ-ШАРОИТЛАР НАТИЖАСИДА ҲУДУДИЙ SANOAT УЛУШИ 2017 ЙИЛДАГИ 33,4 ФОИЗДАН 2021 ЙИЛДА 38,5 ФОИЗГА ОШДИ.

Рейтинг бир қатор кўрсаткичлар тизими ҳамда тадбиркорлар ва аҳоли ўртасида ўтказилган сўровномадан ташкил топган. Ўз навбатида, туман ва шаҳарларда тадбиркорликнинг ривожланиш ҳолати, тўсиқ бўлаётган омилларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш имконини беради.

Иқтисодий-иқтисодий ҳолати бўйича туманлар ва шаҳарлар "яхши", "ўрта", "қониқарсиз" ҳудудларга ажратилади. 2020 йил ҳолатига қўра, 48 та туман ва шаҳардаги ҳолат "яхши", 119 тасида — "ўрта" ва 33 тасининг "қониқарсиз"лиги аниқланди. Бундан ташқари, экспертларимиз томонидан ҳудудлардаги иқтисодий фаоллик барометри, ҳудудлар кесимида меҳнат бозори, сувдан самарали фойдаланиш каби баҳолаш индексларини ҳисоблаш йўлга қўйилган.

Рейтинг натижаларидан амалиётда, жумладан, вазирилик ва идоралар фаолияти йўналишларини белгилаб олишда кенг фойдаланилмоқда. Мисол учун, ҳудудлар иқтисодий-иқтисодий ривожланишининг рейтинг натижалари жойлардаги муаммоларни аниқлаш ва ўз вақтида тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқишга туртки бўлди. Бу борада ўтган йил февраль ойда Вазирилик Маҳкамасининг "Ҳудудларнинг иқтисодий-иқтисодий салоҳиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилиниб, 5 та йўналишдан иборат 33 та туманда ҳал этиладиган муаммоларнинг маърузи рўйхати тасдиқланди. Булар энергетика, ичимлик ва оқова сув, газ таъминоти, автомобиль йўлларини қуриш ва таъмирлаш, сўғориш тизимини яхшилаш каби йўналишнинг қамраб олган.

Ҳудудларда мутаносибликка эришиш бўйича қўрилаётган қатор чора-тадбирларга қарамай ҳали ҳал этилмаган муаммолар ҳам мавжуд. Уларни ҳал этиш, ҳудудлар кесимида мутаносибликка эришиш учун яқин йилларда йирик лойиҳаларни амалга ошириш қўзда тутилган. Хусусан, 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ҳудудларни мутаносиб ривожлантириш, ҳудудларро фарқларни камайтириш, бу борада ушбу даврда ҳудудий иқтисодийнинг 1,4–1,6 бараварга ошириш белгиланган.

Бунга эришиш учун аввало, ҳудудларда мавжуд ички имкониятлардан оқилона фойдаланиш лозим, деб уйлаймиз. Базис ҳолларда, харидор бор, ишлаб чиқарувчи ҳам бор, лекин уларни бирлаштирадиган восита етишмайди. Шу воситани таъминлаб бериш орқали муаммони ҳал этиш мумкин. Бу масала бўйича юртимизда 2022–2026 йилларга мўлжалланган ҳудудлар иқтисодий-иқтисодий ривожланиш дастурлари ишлаб чиқилган. Уларда ҳар бир шаҳар ва тумanning "ўсish драйверлари"га асосланган ҳолда ҳудудда мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилган ва ҳозирги кунда амалга оширилмоқда.

Бу борада маҳаллий хомашёни қайта ишлаш, ресурслардан самарали фойдаланиш, қулай инфратузилма ва шарт-шароитларни яратиш ҳамда тадбиркорлик, инвестиция, экспорт фаолиятини жадаллаштириш натижасида ҳудудий sanoatни 1,3–1,5 бараварга ошириш, шунингдек, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида sanoatнинг ЯҲМдаги улушини 20 фоизга ва ундан юқори кўрсаткичларга етказиш кўзланмоқда.

Қишлоқ ҳўжалиги соҳасида фойдаланилмаётган ерларни ўзлаштириш, тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорлигини ошириш, уруччилик ва насликни ривожлантириш, сув тежовчи технологияларни жорий этиш каби йўналишда қўрилаётган чора-тадбирлар ҳудудларнинг ривожланишида янги имкониятларни яратди.

Хизматлар соҳасида эса алоқа ва ахборотлаштириш, соғлиқни сақлаш, таълим, молиявий хизматларни ривожлантириш, чегара ҳудудларда кўшни давлатлар билан қўшма лойиҳаларни амалга ошириш натижасида қишлоқ жойларда хизматлар соҳаси улушини мунтазам ошириб бориш имкони пайдо бўлади.

Энергетика таъминотини яхшилаш борасида энергия ва ресурс тежамкор технологияларни жорий этиш, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш ҳисобига ҳудудлар иқтисодиётида энергия ва ресурс сарфи хажминини камайтиришга эришилмоқда. Бу борадаги ишларни жадаллаштириш ҳаражатларни камайтириш ҳисобига иқтисодий барқарорликка хизмат қилади.

Бундан ташқари, ҳудудларимиз тараққиёти йўлида инсон капитали, уларнинг салоҳиятини оширишга ҳам эътибор қаратиш лозим. Инсон ресурслари салоҳиятини ошириш орқали жойларда инновацион товар ва хизматларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган технопарклар ташкил этиш кўламини ошириш бугунги замон талабидир.

Кичик бизнес ривожини — ҳудудлар тараққиётининг муҳим омил

Маҳаллий таърибга шуни кўрсатадики, тадбиркорлик ҳудудий иқтисодиётни ривожлантиришда энг самарали ҳамда ички ва ташқи хатарларга чидамли дастак ҳисобланади. Яъни ишлаб чиқаришнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлган бу фаолият жойлардаги ер, хомашё, меҳнат ва капитал ресурсларини берилади. Кичик бизнес ва тадбиркорликнинг иқтисодиётимиздаги улуши 2021 йилда 54,9 фоиз бўлган, бу ялпи ички маҳсулотнинг ярадан ошиғи, дегани.

Мамлакатимизда йилдан-йилга тадбиркорлар сони ошиб, кичик бизнес ривожланаётган шароитда маҳаллий ишбилармонларни қийнаб келаётган муаммолар билан ишлаш бўйича самарали янги тизимлар жорий этилапти. 2021 йилда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирилик ҳузурида Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги, унинг ҳудудий бошқарма ва марказлари ташкил этилди.

Мазкур Агентлик тадбиркорлик субъектларининг мурожаатларини қабул қилиш ва тизимли таҳлил қилиш асосида ҳудудларда тадбиркорликни ривожлантиришга тўсиқлини қилаётган муаммоларни бартараф этиш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш дастурларини шакллантириш ва амалга ошириш бўйича иш юрилади.

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбарининг тадбиркорлар билан аънаваный оқиқ мулоқотининг аҳамиятини, унда соҳани ривожлантириш бўйича қўрилаётган масалалар, тадбиркорларга яратиб берилаётган шароитларни юртимиздаги барча тадбиркорлар яхши ҳис қилиб турибди. Хусусан, шу йил 22 августда ўтказилган навбатдаги учрашувда Президентимиз томонидан тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш юзасидан 5 та йўналишда ташаббуслар илгари сурилди. Шунингдек, ҳудудларда етарли шарт-шароит, инфратузилма ва кафолатли бозорни шакллантириш вазифаси белгиланди. Ушбу мақсадларга эришиш борасида энг аввало, туман ва шаҳарларнинг шароитини ўрганиб чиққан ҳолда уларда бизнес юритиш учун алоҳида ёндашувлар жорий этиш тақдир қилинди. Бундай ёндашув ҳудудларда мавжуд ресурслар ва қўшимча салоҳиятлардан самарали фойдаланиш учун кенг имкониятлар яратди.



Умид ОБИДХЎЖАЕВ,
Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институтининг директори, иқтисодиёт фанлари доктори

Модомики, гап бугунги кун ислохотлари самардорлиги, эришилган иқтисодий натижаларимиз ҳақида борар экан, эътиборингизга бир-икки маълумотни келтириб ўтсам: ўтган йили 96 минг 500 дан ортиқ янги тадбиркорлик субъекти ташкил этилди, бир йил давомида тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва мавжуд қувватларни кенгайтириш мақсадида 55 мингдан ортиқ бино ва иншоотлар қурилди. Экспорт қилувчи корхоналар сони 7,5 минггага етиб, умумий экспорт ҳажми 30 фоизга ошди. Пировардида, ўтган йили ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсish суръати 7,4 фоизни ташкил этди. Бу натижа, айниқса, пандемия туфайли кўпчилик мамлакатлар иқтисодиёти қийин давларни бошидан кечириётган бир шароитда қўлга киритилгани билан аҳамиятлидир.

Эришаётган натижаларимиз, қўлга киритилаётган ютуқлар яхши, албатта. Лекин бу, муаммолар йўқ, ҳаммаси "беш", дегани эмас. Хусусан, Президентимиз шу йил 22 август куни тадбиркорлар билан ўтказган навбатдаги оқиқ мулоқотида бугунги кунда бизнес вақилларида ечимини қутаётган қўллаб-қувватлаш мақсадидаги алоҳида эътибор қаратиб, бир қатор муаммоларни санаб ўтди. Тадбиркорлик учун шароитлар барча туман ва шаҳарларда ҳам бир хил эмаслиги, уларда тадбиркорликни тенг ривожлантириш бўйича ҳар бир ҳудуд учун алоҳида ёндашувлар зарурлиги бу борадаги муаммолардан бири сифатида қайд этилди.

Ҳудудий номуносаблик нима?

Дарҳақиқат, юртимиз ҳудудларидаги шароит, шунга мос равишда уларнинг ривожланиш даражаси турлича. Табиийки, шу ўринда ҳақли саволлар туғилади: уларнинг ривожланиши қандай тамойилларга асосланган, ҳудудлар кесимида тафовутлар пайдо бўлиши қандай омилларга боғлиқ?

Маълумки, юртимиздаги барча ҳудудлар ўзига хос географик, демографик, иқтисодий ва иқтисодий хусусиятларга эга бўлиб, ривожланиш даражаси ҳам турлича.

Ҳозирги глобаллашув ва ташқи рақобат жараёнларининг кучайиши шароитида мамлакатлар иқтисодий ривожланишининг ҳудудий жиҳатларига катта эътибор қаратилмоқда. Чунки



Сўнгги 5 йилда ҳудудларни комплекс иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари билан бир қаторда, йўл-транспорт инфратузилмаси, муҳандислик-коммуникация тармоқлари ҳамда иқтисодий соҳа объектларини ривожлантириш ва шу асосда аҳоли фаровонлигига катта таъсир этаётган "Обод қишлоқ", "Обод маҳалла" дастурлари ҳам амалга оширилмоқда.

Масалан, 2021 йилда ушбу дастурлар доирасида 287 минг хонадондан иборат 397 та маҳалла ва қишлоқ қамраб олинган. Дастурга киритилган

Мониторинг — тадбиркорликни ривожлантиришнинг самарали тизими

Юртимиздаги барча ҳудудлар ўзига хос хусусиятга эга. Уларни ривожланиши бўйича тақсимлаш, ҳолатини мониторинг қилиб борадиган рейтинг тизими ва қўлланмалар мавжуд. Жумладан, 2020 йилда илк бор ҳудудларнинг иқтисодий-иқтисодий ривожланишини рейтинг баҳолаш тизими жорий этилган.

ТОМОРҚА — ДАРОМАД МАНБАИ

Чўнтошнинг хўжафатзорлари

Денов туманининг Чўнтош маҳалласида яшовчи Абдурахим Очилов Тўпаланг — Қоратоғ ирригация тизимлари бошқармасида 43 йилдан буюм муҳандис-гидротехник бўлиб ишлайди. Маоши у қадр баланд эмас. Уни бошқа ташкилотларга кўп бор ишга таклиф қилишган. Лекин Абдурахим ака дарахт бир жойда қўқаради, деган нақлга амал қилиб, ишини ўзгартирмади.

даромадли бўлгач, хўжафатзорни кенгайтиришга қарор қилди. Усиб турган хўжафатнинг серхосил шохларидан кўчат тайёрлаб, 22 сотих шайдонга ўтказишди.

Хўжафат етиштиришда анча тажриба тўплаган оилага маҳалла фаоллари ёрдами билан "Яккатут" фермер хўжалигига қарашли фойдаланилмай турган 50 сотих ер ажратиб берилди. Айни пайтда Очиловлар оиласи қарийб бир гектар майдонда хўжафат ва қулпнай парваршиллапти.

Оиланинг томорқасини кузатдик. Узунлиги 50 метр, эни бир метр эгитларнинг ҳар 20–25 сантиметр оралиғида экилган хўжафат буталари намунали қаров кўрган учун гўж-гўж ҳосил тўккан. Меваси ҳар икки-уч кунда териб олинадиган хўжафат оилани бой қилди. Янги уйлар қурилди,

қўша-қўша машиналар олинди. Улар ҳар йили май ойидан то декабрь ойигача томорқаларида хўжафатзордан 5 тоннагача ҳосил териб бозорга чиқараяпти. Даромад эса 120 миллион сўмини ташкил қилмоқда. Бундан ташқари, қулпнай ҳосили ҳам рўзгорга барака киритаяпти. Айниқса, жорий йил хўжафат ҳосили мўл. Май ойидан то ҳозиргача 3 тонна ҳосил йиғиб олган тадбиркор томорқачиларнинг даромади 60 миллион сўмга етди. Август ойига келиб буталарнинг ёш ва янги новдалари гўж-гўж ҳосил бермоқда. То ерга қор тушгунча мева берадиган хўжафатдан оила йил охиригача яна 50 миллион сўм даромадини қўзлаб турибди. Меванинг харидори ҳам тайин: оила аъзолари ҳосил теримига аралашмайди. Буюк ипак йўли маҳалласида



яшовчи тадбиркор Сожида Тилакова ўғиллари билан келиб, мевани териб, расамади билан пластмасса қутиларга жойлаб, вилоят бозорларига тарқатади.

Хонадон бекаси Зубайда опа келинларига бош бўлиб, хўжафат мевасидан ҳар

мавсум 500 банка мураббо тайёрлайди. Шамоллаш, тумовга қарши табиий даво ҳисобланадиган хўжафат мураббосининг харидори, истеъмолчилари жуда кўп. Шиша банкаларга ёпилган мурабболар қишлоқ аҳлидан ортмайди.

Хўжафат ўстириш бўйича тажрибали деҳқон Абдурахим Очилов бизга уни етиштириш ва юқори ҳосил олиш бўйича тавсияларини ҳам айтиб ўтди. Унинг таъкидлашича, сувсевар хўжафат унумдор тупроқли ерларни хуш кўради ва юқори ҳосил беради. Чўнтош маҳалласи далалари айнан хўжафат ўстиришга қулай. Ариқларда доимо зилпол сув оққани учун хўжафат мевалари йирик-йирик ва харидоригор.

Қишлоқ одамлари орасида гап ётмайди. Абдурахим Очилов оила аъзолари хўжафатдан мўмай даромадли бўлаётганидан хабар топган маҳалла аҳлининг кўпчилиги томорқасида хўжафат буталари парваршиллашга қизиқмоқда. Айни пайтда 35 та оила Очиловларга ҳавас қилиб, томорқаларида хўжафат парваршилламоқда.

— Маҳалламиз ҳудудидан оқиб ўтувчи Чилмироб каналининг юқори қисмида бўш турган лалми ер бор, — дейди маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси Шерзод Буранов. — Шу ернинг беш гектарыга "Agro Fruit Food" МҲК ишбилармонлари Беларусдан 160 минг туп серхосил хўжафат кўчатини келтириб экишга замин ҳозирляпти.

Демак, Чўнтош маҳалласида хўжафат етиштириш янада кўпайди.

Усмонали НОРМАТОВ,
журналист

ҚАРОР ВА ИЖРО

“МАДАД”

ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ ТАРҒИБОТЧИСИ ВА ФУҚАРОЛАРГА БЕМИННАТ КЎМАКЧИ



Тўлқин ТУРСОНОВ, “Мадад” — муассаса шаклидаги нодавлат нотижорат ташкилоти ижрочи директори

улардаги ҳуқуқий ахборот ва маълумотлар фойдаланувчилар учун тушунарли, оддий ва қулай шаклда жойлаштирилган.

Шу билан бирга, агар порталдан фойдаланувчи ўзининг ҳуқуқий муаммосига тўлиқ жавоб тополмаса ёки қўшимча саволлар пайдо бўлса, порталдаги онлайн хизмат (чат) орқали малакали мутахассислардан ҳуқуқий маслаҳатлар ва тушунтиришлар олиши мумкин.

“Мадад” ННТ аҳолининг барча қатламига, биринчи навбатда, кам таъминланган оилалар, ногиронлиги бўлган шахслар, пенсионерлар, боқувчисини йўқотган аёллар ва бошқа эҳтиёжманд шахсларга ҳуқуқнинг барча соҳалари бўйича бепул юридик ёрдам кўрсатади.

Фуқаролар бизга туман (шаҳар) ҳуқуқий маслаҳат бюроларига бевосита мурожаат қилиши ёки портал орқали саволларини онлайн тарзда йўллаши мумкин. Ҳар иккала ҳолатда ҳам мурожаатлар ортқича расмийликсиз, яъни қўшимча ҳужжатлар талаб қилинмасдан, реал вақт режимида қўриб чиқилади.

Шунингдек, ўтган давр мобайнида республикамиз бўйича босқичма-босқич 60 та туман ва шаҳарда ҳуқуқий маслаҳат бюролари фаолияти йўлга қўйилди.

Тахлилларга кўра, аксарият фуқаролар пенсия ва ижтимоий ҳимоя масалалари, оилавий муносабатлар ва суд-ҳуқуқ масалаларида кўпроқ ҳуқуқий ёрдам сўраб мурожаат қилмоқда. Таъкидлаш кераки, фуқароларнинг мурожаатларини таҳлил қилиб, унинг натижасига кўра, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш асосий вазифаларимиздан бири ҳисобланади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг шу йил 2 август куни бўлиб ўтган мажлисида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига маҳкумларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди. Айнан мана шу қонун лойиҳасида биз таъкид этган нормалар ўз ифодасини топган.

Шу билан бирга, жойлардаги ҳудудий бюро ходимлари фуқароларнинг оғзаки сўровлари бўйича ҳуқуқий маслаҳатлар ва тушунтиришлар бериб, бу савол-жавобларнинг қисқача мазмуни электрон дастурга киритиб беришмоқда. Дастурнинг муҳим жиҳати шундаки, у доимий равишда мониторинг



АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ АҲОЛИГА БЕПУЛ ЮРИДИК ЁРДАМ КЎРСАТИШ ОРҚАЛИ ЖАМИЯТДА ҲУҚУҚИЙ ОНГ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШГА ҚЎМАКЛАШИШДАН ИБОРАТ. ШУНДАЙ ЭКАН, БУНДАН KEYIN ҲАМ АҲОЛИНИНГ БАРЧА ҚАТЛАМИГА, ЭНГ АВВАЛО, ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ ФУҚАРОЛАР ВА БОШҚА ЭҲТИЁЖМАНД ОИЛАЛАРГА БЕПУЛ ЮРИДИК ЁРДАМ КЎРСАТИШ КЎЛАМИНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ МАСАЛАСИ АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗ БЎЛИБ ҚОЛАВЕРАДИ.

қилинади, натижасига кўра, жойлардаги бюролар ходимлари иш фаолияти баҳоланади ва рейтинг кўрсаткичлари аниқланади.

Бундан ташқари, ташкилотимиз ходимлари аҳолига бепул юридик ёрдам кўрсатиш билан чекланмасдан, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаролар ва бошқа эҳтиёжманд шахсларга, уларнинг сўровлари ва бошқа давлат органлари мурожаат қилиши учун тегишли ҳужжатлар намуналарини тақдим этиш ёки улар номидан бундай ҳужжатлар лойиҳаларини тузишга қўмаклашиш орқали амалий ёрдам кўрсатиб келмоқда. Жумладан, 2021 йилда 10 мингдан ортиқ, 2022 йилнинг биринчи ярим

йиллигида эса 6 мингдан ортиқ фуқарога шундай амалий ёрдам кўрсатилди.

Маълумки, мулкчилик шаклидан қатъий назар, ҳар қандай ташкилотни ташкил этишда биринчи навбатда, уни молиялаштириш манбалари аниқ белгилаб қўйилиши муҳим омил ҳисобланади. Чунки янги ташкил этилаётган ташкилот фаолиятини молиялаштириш масалалари ҳал этилмасдан туриб, унинг барқарор фаолият юритиши учун мустаҳкам замин яратиш бўлмайди. Ташкилотимиз нодавлат шаклда бўлгани учун тўғридан-тўғри давлат бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилмайди. Шу боис, фаолиятимизни

молиялаштириш манбалари сифатида давлат ижтимоий буюртмаси доирасида давлат органлари ва ташкилотларнинг шартнома асосида ажратилган бюджетдан ташқари маблағлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомилий хайриялари, халқаро ташкилотларнинг молиявий маблағлари ва қонунийликда тақиқланмаган бошқа манбалар белгиланган.

Бундан ташқари, Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, шунингдек, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан эълон қилинган грант танловларида ғолиб, деб топилиб, фаолиятимизга молиявий маблағларни жалб қилган.

Асосий мақсадимиз аҳолига бепул юридик ёрдам кўрсатиш орқали жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга қўмаклашишдан иборат. Шундай экан, бундан кейин ҳам аҳолининг барча қатламига, энг аввало, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаролар ва бошқа эҳтиёжманд оилаларга бепул юридик ёрдам кўрсатиш кўламини янада кенгайтириш масаласи асосий вазифамиз бўлиб қолаверади.

Келгусида ташкилот фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида, қатор чора-тадбирларни амалга оширишни режалаштирганмиз. Хусусан, аҳоли сони кўпчилигини ташкил қилган ҳамда ҳудуди жиҳатидан катта бўлган айрим туман ва шаҳарларда ҳуқуқий маслаҳат бюроларини ташкил этиш орқали аҳолига бепул юридик ёрдам кўрсатиш кўламини янада кенгайтириш. Шунингдек, вилоят, туман ва шаҳарлардаги марказий бозорлар, йирик савдо марказлари ва аҳоли гавжум жойларда “Бепул ҳуқуқий маслаҳат соат”ларини ташкил қилиш, “Advice.uz” ҳуқуқий ахборот порталини доимий равишда замонавий ва интерактив жиҳатдан янгилаб, қонунчиликдаги ўзгаришлар билан бойитиб бориш ҳам муҳим вазифалар сирасидан.

Фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш таҳлили ва амалиёти, айрим ҳолларда уларга фақат ҳуқуқий маслаҳатлар ва тушунтиришлар бериш билан чекланиш етарли эмаслигини далил бермоқда. Чунки фуқароларнинг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ёки тиклаш масаласида қўмаклашиш учун аксарият ҳолатларда уларнинг талаб ва сўровига кўра, суд ва бошқа давлат органларида вакил сифатида иштирок этиш зарурати юзага келмоқда.

Бунинг учун эса, биринчи навбатда, қонунчилик ҳужжатларига тегишли ўзгаришлар киритиб, нодавлат ташкилотлар томонидан фуқароларга нафақат бирламчи, қолверса, иккитарафли юридик ёрдам кўрсатиш амалиётини жорий қилиш масаласини ҳал қилиш керак бўлади.

Ўз навбатида, ушбу муҳим қонуннинг амалиётга киритилиши натижасида аҳолининг, айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларнинг қонуний манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилиниши учун муҳим ва зарурий имконият яратилади.

НОЁБ МЕРОС



Рихситилла АЛИМУХАМЕДОВ, Тошкент давлат шарқшунослик университети илмий лойиҳа раҳбари, филология фанлари доктори, доцент

Шу билан бирга, “матншунослик, адабий манбашунослик, тилшунослик, фалсафа, маданият тарихи соҳаларида миллий маданият меросимизнинг ҳали ўрганилмаган кўпгина қатламларини очиб беришга йўналтирилган илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратиш” банди ҳам айни мутахассислар олдида соҳа бўйича янада кўпроқ тадқиқотларни амалга ошириш вазифасини қўяди. Еш мутахассисларни ушбу йўналишдаги илмий изланишларга жалб қилиш борасида эътиборга молик вазифалар оқилтирилган.

Юқоридаги вазифаларнинг амалий натижаси уларок, Тошкент давлат шарқшунослик университетиде филология ва тилларни ўқитиш (шарқ мумтоз тиллари) таълим йўналиши фанлари қайта қўриб чиқилди ҳамда такомиллаштирилди. Соҳага оид ёзма манбаларни тадқиқ этиш бўйича керакли ва зарур фанлар блоклари шакллантирилди. Шу билан бирга, давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 16 апрелдаги “Шарқшунослик соҳасида

ИННОВАЦИОН ЛОЙИҲА ТУРКИЙ ҚЎЛЁЗМАЛАРНИ ЎРГАНАДИ

Президентимизнинг 2017 йил 24 майдаги “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига “ўрта асрларда ҳозирги Ўрта Осиё ҳудудиде яшаб ижод қилган аллома ва мутафаккирларнинг математика, астрономия, физика каби аниқ фанлар, тиббиёт, кимё, география сингари табиий фанлар, тарих, адабиёт, фалсафа ва бошқа ижтимоий фанлар, ислом дини ва илоҳийга оид меросини тадқиқ қилишни кенгайтириш ва чуқурлаштириш” каби бандлар белгилангани шу кунгача бизни кийнаб келган кўплаб муаммоларга ечим бўла олади.

кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Тошкент давлат шарқшунослик институти негизда ташкил этилган университетда шарқшунослик соҳасида амалга оширилажак қатор муҳим ишлар белгилаб олинди.

Бу борада ўтган икки йил мобайнида кўплаб ишлар амалга оширилди. Хусусан, университетда Шарқ халқлари маданияти, тарихи, тили ва адабиёти, сийсати билан боғлиқ илмий-тадқиқот лойиҳалари олиб боришмоқда. Шундай лойиҳалардан бири 2021 йил сентябрь ойидан 2023 йил сентябргача амалга оширилиши мўлжалланган “Европа фондларида сақланаётган, Ўзбекистонда мавжуд бўлмаган туркий қўлёзмаларнинг маълумотлар базасини ва “Yevotucologics.uz” электрон платформасини яратиш” мавзусидаги инновацион лойиҳадир.

Мазкур лойиҳанинг мақсади Ўзбекистонга оид бўлган, юртимиз қўлёзма фондларида мавжуд бўлмаган қўлёзма манбалар тўғрисидаги маълумотларни жамлаб, уларни бир платформага тўплашдир. Ҳозирга келиб лойиҳа доирасида Европанинг уч йирик давлати — Германия, Франция ва Венгрияга илмий сафарлар уюштирилди. Сафарлар давомида юртимиз маданияти, тарихига оид

ёзма ёдгорликлар топилди. Улар тўғрисидаги маълумотлар, қўлёзмалардан фотонусхалар олиб келинди. Масалан, Венгрия Фанлар академияси кутубхонасининг шарқ бўлимида сақланаётган ёзма манбалар орасида филология, адабиёт, тарихга оид қўлёзмалар ҳам бор. Уларнинг мазкур фондда сақланишида можаж олими Армин

Вамберининг хизмати катта. Асарлар орасида Алишер Навоийнинг “Муҳокамат ул-луғатайн”, “Фарҳод-у Ширин” ва “Маҳбуб ул-қулуб” асарлари, Муҳаммад Солиҳнинг “Шайбонийнома” асари, Фаридууддин Атторнинг “Таржима-и Мантқиқ ул-тайр” асари, “Гул-у Наврўз” асарининг икки нусхаси, бир қатор луғатлар: “Абушқа”, “Баҳаж ул-луғат”, “Девони ҳикмат”, “Девони Машираб”, “Мабади нур” каби манбалар ўрин олган. Албатта, ушбу асарларнинг айримлари юртимиз қўлёзма фондларида мавжуд. Аммо юртимизда мавжуд бўлмаганлари ҳам бор. Улар сирасига “Муҳокамат ул-луғатайн”, “Гул-у Наврўз”нинг муаллифи номаълум бўлган нусхаси ва бошқа асарлар қиради.

Ҳозирги кунга қадар “Муҳокамат ул-луғатайн” асарининг 5 та қўлёзма нусхаси топилган бўлиб, уларнинг 3 таси Алишер Навоий асарлари қуллиётлари


таркибидадир. Профессор Қ.Содиқов мазкур асар қўлёзма нусхалари бўйича қуйидагиларни ёзди:

“Уша унча қўлёзманинг биринчиси Навоийнинг ўзи тасниф этган қуллиёт таркибидаги нусхадир. 1496 ва 1499 йиллар орасида давомли тарзда китобат этилган нусхаси билан бир қатор умумий жиҳатларга эга. Шунга кўра, у ана шу нусхадан қўчирилган бўлса, эҳтимол ва ниҳоят, учинчи қўлёзма ҳам Туркиянинг иккинчи бир хазинаси — Сулаймония кутубхонасининг Фотиҳ бўлимида сақланади”.

Навоийшунос олим, филология фанлари номзоди, катта илмий ходим Юсуф Турсуновнинг фикрича, “Муҳокамат ул-луғатайн”нинг бошқа бир нусхаси Хиндистоннинг Ҳайдаробод шаҳрида Салоржанг кутубхонасида Бобур девони билан бир муқовада сақланади. Асар ҳижрий 1180 (милодий 1766-1767) йили қўчирилган.

“Муҳокамат ул-луғатайн” асарининг яна бир нусхаси Венгрия пойтахти Будапешт шаҳрида Венгрия Фанлар академияси кутубхонаси шарқ бўлимида сақланади.

Асарнинг ушбу нусхаси бошқаларидан айрим хусусиятларига кўра ажралиб туради. Масалан, асарнинг Тўлқон нусхаси ҳар бир варағида 27 қатордан матн мавжуд бўлиб, атрофи зарҳал ҳоли билан безатилган. Биз тавсифлаётган Будапешт нусхасида матн атрофи хошияси, 11 қатордан матн битилган. Қўлёзманинг кириш қисмида (16 варақ) “Рисолайи муҳокамат ул-луғатайн (رساله محاکمة اللغتين)” деб ёзиб қўйилган.



МАНГУЛИКДАН ЖОЙ ОЛГАН ЖАСОРАТ ТИМСОЛИ

Дунёда бир гўша борки, унга аталган сўзимиз, эзгу тилакларимизни оддийгина тарзда айта олмас эканмиз. Бу муқаддас гўша — Ватанга бўлган садоқат уни асраб-авайлаш, равнақи йўлидаги фидокорликда, унинг ҳимояси учун қахрамонлик, жасоратларда акс этади.



Мирзоқид БОТИРОВ,
Фаргона политехника
институтининг биринчи
проректори,
Ўзбекистон журналистлар
уюшмаси аъзоси

Она юрт ва унинг мард ўғлонлари ҳақида сўз юритишга чоғланганда тарих ва бугун, қахрамонлик ва садоқат борасидаги ҳаяжонли ўй-фикрлар қамраб олади. Зеро, халқнинг асл фарзандлари, унинг келажаги учун жонини берган қахрамонлар, мардлик тимсоли бўлган ватанпарварлар бор экан, бу юртда ҳамма осудалик, тинчлик ва фаровонлик ҳукм суриши шубҳасиз.

Ватан озодлиги, эрки ва истиқлоли учун курашган ана шундай шероҳат қахрамонлардан бири Жалололдин Мангубердидир.

Тарихий манбалардан маълумки, Жалололдин Мангуберди 1199 йилда Хоразмда таваллуд топган. У 1200–1220 йилларда Хоразмшоҳлар давлатини бошқарган ҳукмдор Алоуддин Муҳаммад II нинг (1169–1220) фарзанди. Отаси ҳам 1172–1200 йилларда ҳукмдорлик қилган Ануштегинийлар сулоласига мансуб Хоразмшоҳ Алоуддин Музаффар Тақешнинг ўғли саналади.

Тарихий маълумотларга кўра, Жалололдин бурнида холи (манк) бўлгани учун Манкбурни номи билан аталган. Кейинчалик бу ном талаффузда ўзгариб “Мангуберди” номи билан машҳур бўлиб кетган. Манбаларда Сохибқирон Амир Темур айрим жангларда Жалололдин Мангуберди усулидан фойдаланиб, мўғулларга қарши курашда ғалабага эришгани ҳам қайд этилган.

Машҳур аллома Мирзо Улуғбек “Олам аҳли Жалололдиндан олдин ҳам, кейин ҳам бундай баҳодир жангини кўрмаган. Бу зотнинг азму шижоати олдига ҳатто буюкликнинг ўзи ҳам таъзим қилади”, дея шарафлаганда минг бора ҳақ эди.

Жалололдин Мангубердининг шахсий котиби Шаҳобиддин Ан Насавий эса “У шерларнинг шерини ва отлик йигитлар ичида энг довураги эди. У юмшоқ эди, жаҳли чиқмас эди, сўкинмасди ҳам, у жиддий эди, ҳеч қачон кулмасди, фақат жилмаярди ва камгап эди. У адолатни севарди, бироқ у дуч

кекелган суронли йиллар унинг устидан ғалаба қилди ва унинг феълени ўзгаришди. У фуқароларнинг ҳаётини осонлаштиришни ёқтирарди, лекин таъназул пайтида бошқаргани учун жабр қилишгача борди”, дея баён этган.

Албатта, Ватани, халқи учун ўз ҳаётини қалқон қилган асл юрт фарзандлари номи, жасорати мангуликка дахлдор.

Яқинда Хоразм вилояти маркази Урганч шаҳрида Жалололдин Мангуберди хотирасига улкан ёдгорлик мажмуаси барпо этилди. Мажмуанинг очилиш маросимида Президентимиз сўзлаган нутқни тинглай туриб, бутун халқимиз ғурур ва ифтихордан тўлқинланди. Давлатимиз раҳбари ўз нутқида Султон Жалололдин ҳаммаша юртимизни кўз қорачиғидай асраб-авайлаш, унга фарзандлик меҳри, йиғмон-эътиқод билан хизмат қилишининг ўчмас тимсоли бўлиб қолишини қайд этди. Шунингдек, давлатимизнинг юксак мукофотлари қаторида Жалололдин Мангуберди орденининг таъсис этилгани, унинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган илмий ва бадиий асарлар яратилгани ҳақида тўхталиб, Туркия киноижодкорлари билан ҳамкорликда “Мендирман, Жалололдин” номли кўп қисмли тарихий фильм суратта олингани, Урганч шаҳрида эса Жалололдин Мангуберди номидаги ҳарбий академик лицей ташкил этилгани ҳам таъкидлаб ўтилди.

Ушбу мажмуанинг очилиши халқимиз маънавий ҳаётида улкан воқелик бўлди. Мажмуада Султон Жалололдин Мангубердининг маҳобатли ҳайкали барпо этилди. Тўлпор жилловини маҳкам тутиб, эл-юрт ҳимоясига отланиб турган саркарданинг қатъиятли, мағрур сиймосида ватанпарварлик, буюклимас иродали мард инсон ифодаси акс этган.

Бу қахрамонлик, ватанпарварлик мажмуаси буюк аждодларимиз, ўғлонларимиз мардлигини тараннум, уларнинг қахрамонлиги, Ватанга садоқатини мадҳ этувчи чинакам ёдгорлик бўлиб қолади. Ватан озодлиги учун ўз жонини фидо этганлар номи ҳеч қачон ўчмаган. Халқимизнинг семимли адаби Мақсуд Шайхзаданинг “Жалололдин Мангуберди” драмасидаги куйидаги сатрлар эса ёш авлодни Ватанга мангу садоқатли, мард ва жасоратли бўлишига, бахти-саодатини ҳимоя қилишга ундайверади:

*Мангуликдан жой олган —
яшар абадий,
Мен-ку, Мангубердидан,
олам билади.
Кўкларданми, судданми,
ё ер тагидан,
Балки саҳро бағридан,
тоғ этагидан,
Бир кун пайдо бўламан
шу юрт, шу ерда,
Юрт шайдоси кўмилмас
гурбатда — гўрда.
Улуғвор ниятларга
кор қилмас ажал,
Ким юртдан ёв қўвса —
мендурман ўшал...*

ЗИЁРАТ ТУРИЗМИ



Дармоной ЎРАЕВА,
Бухоро давлат
университетининг профессори,
филология фанлари
доктори

Ёшларни Бухоро, Самарқанд, Хива каби тарихий шаҳарлар бўйлаб саёҳат қилдириш ва аждодларимизнинг асрлар оша яшаб келаётган эзгу анъаналари, маданияти ва қадрияти билан яқиндан таништириш, уларнинг моҳиятида ётган умумбашарийлик, боқийлик сирларини аниқлаш, ислом дини пешволари, алломалари, азиз-авлиёлари боғланган турмуш, қўлларининг қайноқ тафти қолган улуғвор қалъа, қўрғон, масжид, мадраса ва минораларни, руҳлари кезиб юрган табаррук манзиллар зиёратини уюштириш лозим.

Президентимиз Бухоро шаҳрида бўлганда Абдурауф Фитрат номидаги ўзбек тили ва хорижий тилларни ўқитишга ихтисослашган иқод мактабининг барпо этилиш, тиб илми асосларидан Абу Али ибн Сино таваллуд топган Афсона қишлоғини туризм шаҳарчасига айлантириш таклифини билдирган эди.

Бухоронинг қадим тарихий ва маънавий обидалари, маҳаллий (зардўзлик, патдўзлик, каштачилик, заргарлик, кандакорлик, мисгарлик, темирчилик, қуллолик, миниатюра ва тасвирий санъат каби) ҳунармандлик маҳсулотлари хорижий сайёҳларни ҳаммаша ўзига жалб қилиб келган. Шу боис, ҳар йили Бухорода жохон халқлари иштирокида ипак ва зирavorлар, миллий таомлар, заргарлик ва зардўзлик фестиваллари мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Қадимдан Мовароуннаҳрнинг энг йирик ва машҳур кентларидан бўлган Бухоро шаҳар ва қишлоқларидаги тарихий ёдгорликларни, тор-танг, халқ тили билан айтганда, жин кўчаларни кезганда, ҳар бир инсон ажиб бир қадимийликни, сирлиликни ҳис этади. Қалбида ажойиб дунё туйғуларини уйғонади. Айниқса, дунёга машҳур тарихий обидалар, энг қадимий ва бетакрор, чиройли ёдгорликлар узоқ тарих саҳифаларидан унсиз ҳикоялар сўзлайди.

Инсонни тарих билан юзлаштирадиган бу шариф заминга ҳар йили дунёнинг турли нуқталаридан минглаб сайёҳ келиши бежиз эмас. Бухоро азал-азалдан турли савдо йўллари, маданият ва цивилизациялар чор-

“ НАФАҚАТ ЮРТДОШЛАРИМИЗ, БАЛКИ БУТУН ДУНЁ МУСЎЛМОНЛАРИ УЧУН ТАБАРУК МАСКАНЛАР ҲИСОБЛАНМИШ “ЕТТИ ПИР” АБДУХОЛИҚ ҒИЖДУВОНИЙ, МУҲАММАД ОРИФ РЕВГАРИЙ, МАҲМУД АНЖИР ФАҒНАВИЙ, ХОЖА АЛИ РОМИТАНИЙ, МУҲАММАД БОБОЙ САМОСИЙ, САЙИД АМИР КУЛОЛ ВА БАҲОУДДИН НАҚШБАНД МЕЪМОРИЙ МАЖМУАЛАРИДАН ИБОРАТ.

раҳасида жойлашган кўрку тароватли, кўхна ва навқирон, табаррук гўшалардан бири сифатида катта кичкинчи ўзига чорлаб турадиган оҳанраболи тарихий маскандир. “Шариф шаҳар”, “Қуббатул ислом” номларини олишга эришган Бухоронинг Ислам маданияти пойтахти деб эълон қилиниши асрлар давомига ушбу шаҳар ва унда етишиб чиққан олимларнинг ислом тамаддунига беқиёс ҳисса қўшганидан дарак бериб туради. Дарҳақиқат, Бухоро фикр илми билимдони Абу Ҳафс Кабир Бухорий (767–832) туфайли миллоднинг IX аср бошларида “Қуббатул ислом” — “Ислам динининг гўмбазини” номига эришган бўлса, Шайх Сайфиддин Бохарзий (1190–1261) фаолияти орқали унинг бу борадаги шухрати ислом оламида янада юксалган. Шу сабабли орадан тўрт аср ўтгач, XIII асрдан бошлаб Бухорога “шариф”

Мозий чорраҳаси ёхуд замонавий иқтисодиётнинг истиқболли тармоғи

Юртимизда инсон кадр-қимматини юксалтиришга қаратилган ислохотлар кўлами йилдан-йилга ортиб бораётган экан, бу силсилада ёш авлодни баркамол тарбиялаш учун ўз она юрти, туғилиб ўсган маҳалласи, аждодлари ҳақида кўпроқ билишга ундамоқ нияти билан ички туризмга жалб қилиш айни муддао.

сифати кўшилиб, у Бухорои шариф номи билан атала бошланган.

Аслида “илм кўп жой” маъносини англатадиган Бухоро номи бу маскан уламо ва фузалолар шаҳри бўлганини билдирарди.

Илм, бунёдкорлик, яратувчанлик, миллийлик юксак қадрланган Бухорода Арк қўрғони, Минораи Калон, Сомониёлар мақбараси ва бошқалар ҳам бу заминда маърифат ҳаммаша устун бўлганидан дарак беради.

Бухорога дунё халқлари эътибори кучайиб бораётгани бу қадимий маконда туризм индустриясини кенг ривожлантириш учун катта имконият мавжудлигини кўрсатмоқда. Қолаверса, соҳа мутахассислари ҳам сайёҳлик замонавий иқтисодиётнинг истиқболли, биринчидан, бошқа соҳалар каби хомаше, ишчи кучи, маблағ каби кўплаб ресурслари доимий талаб этмайдиган, замонавий талабларга мос, бекам куёт ишловчи инфратузилма бўлса қийфоя қиладиган тармоғи экани туфайли уни ҳар томонлама ривожлантириш зарурлигини таъкидлайдилар. Мана шу сабабли кейинги йилларда туризм соҳасини ислох этиш бўйича қатор ҳужжатлар қабул қилинган, амалий ишлар бажарилапти.

Фағнавий, Хожа Али Ромитаний, Муҳаммад Бобойи Самосий, Сайид Амир Кулол ва Баҳоуддин Нақшбанд меъморий мажмуаларидан иборат.

Бу пири қомиллар номи тарихий-диний манбаларда пайгамбаримиз Муҳаммад соллаллоху алайҳи васалламдан бошланган “олтин силсила”нинг давомчилари сифатида эътироф этилган. Улар кўнгилни нафсу хирсдан қоллаш, ҳалол меҳнат қилиб умр кечириб, Аллоҳни жон-дилдан севиб ғоялари тарғибчилари бўлишган. Бу азиз-авлиёлар яратган асарлар, эзгу амаллар замонлар оша одамларни маънан тарбиялаб, дину диниёт, одоб-ахлоқ, эзгу сўздан сабоқ бериб келмоқда. Шунинг учун Бухородаги бу табаррук зиёратгоҳларга юртошларимиздан ташқари Хиндистон, Малайзия, Индонезия, Туркия, Саудия Арабистони, Эрон ҳамда Марказий Осиё мамлакатларидан ҳар йили кўплаб зиёратчилар таширф бўлиб, қалбини нурлантириб кетмоқда.

“Етти пир” зиёрати дунё мусулмонлари Хожани Жаҳон деб шарафлайдиган, маърифатпарвар ҳукмдор Мирзо Улуғбек томонидан шарафига мадраса, кутубхона ва тошҳаммом қурдирилган, Алишер Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат”



таъкирасида “Ҳар вақт намозда Каъбага борар эрдилар” деб қайд этилган етти пирнинг энг улуғи, хожонинг тариқати асосчиси **Хожа Абдухолиқ Ғиждувоний** зиёратгоҳидан бошланади.

Ундан сўнг Вобкент тумани Анжир-бўғ қишлоғидаги Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий зиёратгоҳига борилади. “Ғиба-тафрмоий сурайё” таърифини олган Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий Бухородаги етти пирдан иккинчиси. Учинчи йўналиш Ромитан тумани Қўрғон қишлоғидаги Хожа Азизон деган юксак номга мушарраф бўлган, бутун умр “узюк ва ипак” ишида яшаб, турли рангдаги уламо илларни узиб-улаб, ким-магбаҳо матолар, атласу адраслар, гиллапар тўқиб, уларнинг савдоси билан шуғулланиб, ҳалол тирикчилик қилган **Хожа Али Ромитаний** зиёратгоҳидир.

Туртинчи зиёрат Ромитаннинг Самос қишлоғида, келажакни олдиндан кўра олган, “Бу тупроқдан бир эр исми келмоқда”, деб Баҳоуддин Нақшбанд дунёга келишини олдиндан башорат қилган авлиё зот **Муҳаммад Бобойи Самосий** қабри ва мақбарасида кенеди. Бешинчи зиёратгоҳ Хизр алайҳиссалом томонидан “Сиз ориф бўлғайсиз, иншааллоҳ!” деб эътироф қилинган, “Одоб нек одамлар зийнатидур! Авлиёлар аломати учтадур: биринчиси —

баланд даражани эгаллаганда ҳам камтар бўлмоқ; иккинчиси — сабру тоқати етгунча парҳез қилмоқ, учинчиси — то кучи етгунча инсоф қилмоқ. Очлик — зоҳидлар, зикр — орифлар таъми”, деган ўғитларни халқ орасига ёйган **Хожа Муҳаммад Ориф Ревгарий** номи билан боғлиқ бўлиб, Шофиркон туманида жойлашган. Беш гектарли боғи, гуллари ҳиллол шаклида экиладиган гулзор, меҳмонхонаси, минораси, масжиду таҳоратхонаси, музейи қаторида ярим ой шаклига монанд қазилган сув тиндирилмаган ҳовузи ҳам бор бу зиёратгоҳ номи халқ орасида “Ҳазрати Моҳитобон”, яъни “Ой юзли ҳазрат” деб ҳам юритилади.

Олтинчи зиёрат қуллолик билан шуғуллангани учун Мир Кулол номини олган, одамларга “Зинхор номашруъ (шариатга зид) ишлар, кичик бўлса ҳам қилманг. Чунки кичик гуноҳ тақороланаверса, дузаҳга олиб борур”, деб ўргатган, бир юз ўн тўртта авлиё халифаси бўлган, Когон туманидаги **Сайид Амир Кулол** зиёратгоҳида ўтказилди. Ул эттинчи пир — Когон туманининг Қасри Орифон қишлоғида туғилган Ҳазрати Сайид Муҳаммад Баҳоул-ҳақ вал-миллат вад-дунё уд-дин Нақшбанд ибн Сайид Жалололдин, яъни соҳиб қаромат, олим раббоний, “Дилинг Аллоҳда, қўлинг меҳнатда бўлсин!” деган ҳикмати кўпчилик қалбига синдириб, ислом дини ривожига муҳим ҳисса қўшган авлиқолоҳ **Ҳазрат Баҳоуддиннинг** устозлари бўлгани айтилади.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Таҳририятга келган қўлёмалар таъриқ қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайдими.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмаҳона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурдаги Аҳборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-964.
81594 нусхада босилди.
Ҳажми — 4 табоқ. **Офсет** усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.
Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Башорат Юнусова
Мусаҳҳих: Милоҳат Мингбоева
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилими:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй